



O'zMTDP — www.mf.uz

MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси нашри

№ 39-40 (1038) 2019 йил 1 ноябрь, жума
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган



11 **САЙЛОВ ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ ЎТАДИ?**

5 **СИРЛИ «ЎЙИН»ЛАР ОРТИДА КИМ ТУРИБДИ?**

7 **ДИННИ НИҚОБГА АЙЛАНТИРИШДАН КИМ МАНФААТДОР?**

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ VI СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Бу — менинг партиям

Нима учун «Миллий тикланиш»ни танладим?

Яқинда "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодировнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди платформасининг мазмун-моҳиятига оид маърузасини эшитиб, ушбу сиёсий кучни танлаб адашмаганимга ишонч ҳосил қилдим. Чунки партиянинг энг асосий ғояси жамиятда миллий онг, миллий тафаккурни юксалтириш орқали одамларни "Инсонни ўзгартирмасдан, жамиятини ўзгартириб бўлмайди" деган умуммиллий ғоя атрофида бириктиришдан иборат экан. Бу аввало, ҳар бир оилада ҳар бир фарзанд тўғри тарбия олиб вояга етиши учун етарлича шарт-шароит яратиш деганидир. Аслида ҳам Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, қадриятларга ҳурмат тўғри тарбия орқали шаклланади. Пленумда партия раҳбарининг "болага тарбиясиз таълим бериб бўлмайди", деган гапга алоҳида урғу бергани бежиз эмас. Халқ таълимидаги қарийб 30 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкин, ҳақиқатан ҳам таълим ва тарбия эт-тирноқ кабидир: таълимсиз тарбия, тарбиясиз таълим бўлмайди. Ноқобил бола ота-онасининг қистови учунгина мактабга келади, холос. Чунки мамлакатимизда ҳар бир бола таълим олишга мажбур. Унинг ўқишга бўлган иштиёқсизлиги дарс жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Унга на тўғри ўтиришни, на бошқаларга ҳалақит бермасликни ўқтира оласиз. Бундай боладан ватанпарваликни кутиш мумкинми?



Янгиланаётган партиянинг янги сайловолди Дастури тасдиқланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиладиган съездда 235 нафар делегат иштирок этади. Съездда 76 нафар аёллар (32,3 фоиз), 159 нафар эркеклар (67,6 фоиз), 16 нафар 30 ёшгача бўлганлар (6,8 фоиз) иштирок этади. Шундан фан, таълим ва спорт соҳаси вакиллари 54 нафар (22,9 фоиз), илмий даражага эга бўлганлар 54 нафар (22,9), faxрий унвонлар ва давлат мукофоти соҳиблари 41 нафар (17,4 фоиз). Шу кунгача партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларининг Конференциялари бўлиб ўтди. Уларда ҳудудий кенгашларнинг 2015-2019 йиллардаги фаолияти

сарҳисоб қилиниб, устувор вазифалар белгилаб олинди. Айтилган барча даражадаги партия ташкилотлар эътибори сайловда энг кўп ўрин олиш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларига қаратилган. Партиявий тадбирларда жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаган, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган фуқаролар орасидан депутатликка номзодлар кўрсатилмоқда. Конференцияларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ғояларига хайрихоҳ бўлганлар партия аъзоллигига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилгани партия аъзолари сонининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.



МУСОФИРЛИК

ёхуд Россияда ноҳақ қамалган юртдошимиз билан юзма-юз учрашув

8

Моддий маданий мерос объектларини сақлашга хусусий сармоядорлар фаол жалб этилади



Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси расмий сайтида берилган маълумотга қараганда, бугунги кунда Ўзбекистонда 8 208 та маданий мерос объекти мавжуд. Маданий мерос объектларини асрашга доир катта ишлар қилинганлигига қарамай, уларнинг маълум бир қисми ҳануз қониқарсиз аҳволда. Моддий маданий мерос объектларининг барчасини бюджет ҳисобидан сақлаш имкони йўқлиги сабаб ушбу муаммо ечимини топишга хусусий сармоядорларни жалб қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли Ўзбекистоннинг миллий бойликларини қониқарли ҳолатга келтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Давоми 12-бетда

Давоми 16-бетда

ҚАРОР ҚАТЪИЙ ЭМАС!

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва вазирлик қошидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш департаменти ҳамда Бухоро ва Қашқадарё вилояти ҳокимликлари диққатига

9

Коммуналча англашилмовчилик

"Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодировнинг 29 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида ўқитувчилар фаолиятига тўхталиб, "улар оддийгина коммунал хизматчиларга ўхшаб қолган. Тиббиёт ходимлари ҳам худди шу аҳволда", деган гапини Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ахборот хизмати ходимлари ҳақорат сифатида қабул қилганини айрим ижтимоий тармоқлар "пиар" қила бошладилар. Очигини айтиш керак, обуначилар сонини кўпайтириш учун жон олиб, жон бераётган айрим сайтлар "пиар"дан кўзланган мақсаддан навбатдаги ноҳолисликнинг ҳиди келяпти. Агар ана шу ўхшатишга холис қаралса, партия етакчисининг аксинча, коммунал соҳа ходимларини меҳнатқаш, тиниб-тинчимайдиган кишилар сифатида мисол қилиб келтирганини уқиб олиш унчалар қийинчилик туғдирмайди.

Давоми 16-бетда

САЙЛОВГАЧА 50 КУН ҚОЛДИ

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

✓ Меҳнат муҳожирлиги тўғрисидаги қонунни қабул қилиш орқали миллионлаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиламоқчимиз.

Мақсад — Олий Мажлис Қонунчилик

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси, парламент қуйи палатаси спикери

— Алишер Келдиевич, партиянинг VI съезди кун тартибига киритилган асосий масала бу, шубҳасиз, партиянинг сайловолди Дастури ва, албатта, парламент қуйи палатасига номзодлар кўрсатиш масаласидир. Шундан келиб чиқиб айтинг-чи, янги сайловолди Дастури аввалги дастурлардан қандай жиҳатлари билан фарқ қилади?

— Яна қайтаршдек туюлса-да, «Миллий тикланиш» ушбу сайловга янгиланаётган партия сифатида кириб келаётганини, ҳатто мақсад ва вазифаларимизга сезиларли даражада ўзгартишлар киритилганини айтиш керак.

Бу, энг аввало, кейинги уч йил мобайнида юртимизда юз берган туб ислохотлар, барча соҳа ва тизимларда кузатилаётган ўзгаришлар билан боғлиқ. Очигини айтиш керак, сиёсий институтларимиз узоқ йиллар давомида аҳоли манфаати бир ёнда қолиб, умумий масалалар билан шуғулланиб келди. Натижада, жамиятдаги обрў-этиборни йўқотди. Зиммасидаги масъулиятни унутиб, на жамият, на халқ муаммоларини кўтариб чиқолмагани учун ҳам одамлар партияга ишонмай қўйдилар. Бугун сиёсий партиялар олдида турган асосий вазифа ана шу ишонч тиклашдан иборатдир. Биз сайловлар давридагина ўзини кўрсатиб, бошқа пайт деярли сезилмайдиган тизимдан воз кечадиган

даврга етиб келдик. Агар яна эскича йўл тутсак, яна сайловчини, охир-оқибатда эса ўзимизни-ўзимиз алдаган бўлаемиз. Жамиятда ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. У муайян босқичдан ўтади. Биз ана шу йўлни эртами-кечми, барибир, босиб ўтишимиз керак. Бугунги сайловчи биздан шуни талаб қилмоқда.

жиз бу кунни байрам сифатида нишонланадиган кунга айлантормадилар, бежиз ҳукумат таркибида махсус тузилма ташкил қилинмади, бежиз бир пайтлар йўқолиб кетган Атамалар комиссияси (аввал кўмита эди) қайта тикланмади. Буларни жой-жойига қўйиш, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун кенг жа-

тилда ёзилиши белгиланган. Ҳатто ана шу тартибга ҳам риоя қилмадик. Умуман гапирсак, гап кўп. Шунинг учун ҳам биз «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги тахририни қабул қилиш, унинг ижросини таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олдик. Тил ва унинг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар хусусида гап кетганида, энг аввало, Давлатимиз раҳбарининг Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги фикр-мулоҳазалардан тегишли хулосалар чиқаришимиз лозим, деб ўйлайман.

Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, «Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюқ қадриятдир.» Она тили, инчунун, миллий гуруримиз, шаънимиз ҳамдир. Демак, Она тили биз учун чиндан ҳаёт-мамот масаласига айланяпти. Президентимиз унинг бугунги кундаги мақомини янада кўтариб «ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат, деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим», дедилар. Ана шундай муносабатни ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз ҳам ўқтириб ўтилди. Бу, ўз навбатида, партиямиз зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

чалғитишга ҳам ўхшатиш мумкин. Аммо бугунги сайловчи кимлардир тахмин қилаётганидек бу даражада содда эмас.

Айниқса, кейинги уч йиллик ўзгаришлар даврида сўз эркинлиги таъминлангани, матбуотимизда бир томонлама қарашлардан воз кечилгани сайловчиларга қиёслаш имконини бера бошлади. Ўтган сайловлар арафасида қайси бир партия ижтимоий муҳофазага сўз эркинлиги сайловчиларга қиёслаш имконини бера бошлади. Ўтган сайловлар арафасида қайси бир партия ижтимоий муҳофазага сўз эркинлиги сайловчиларга қиёслаш имконини бера бошлади. Ўтган сайловлар арафасида қайси бир партия ижтимоий муҳофазага сўз эркинлиги сайловчиларга қиёслаш имконини бера бошлади. Ўтган сайловлар арафасида қайси бир партия ижтимоий муҳофазага сўз эркинлиги сайловчиларга қиёслаш имконини бера бошлади.

ҳақ-ҳуқуқларига оид қонуний асослар яратилиши лозим. Меҳнат муҳожирлари кўп бўлган мамлакатлар парламентлари билан мавжуд муаммоларга биргаликда ечим топиш ҳам муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўллари билан биридир. Бунинг учун эса бизга кучли, тиш-тирноқли парламент керак. Модомики, дунёда жами аҳолининг 4-5 фоизи, яъни 280 миллионга яқин меҳнат муҳожирлари бор экан, ушбу масала жиддий ёндашувни талаб қилаётганини кўрсатади. Шу боис, биз сайловолди дастуримизда меҳнат муҳожирлиги тўғрисидаги қонунни қабул қилиш орқали миллионлаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилмоқчимиз.

— Айрим партияларнинг амалдаги сайловолди Платформасига қарасақ, улар гўё ҳукуматни эгаллаш учун курашаётган куч эмас, аксинча, ижро ҳокимиятининг бир бўлагидек таассурот қолдирыпти. Жумладан, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг амалдаги сайловолди Платформаси ҳам...

— Бу борадаги фикрингизга қисман қўшиламан. Шу боис ҳам сайловолди дастуримизни тубдан ўзгарттирдик. Барча даражадаги депутатлар, мустақил экспертлар иштирокида уни бир неча бор муҳокамадан ўтказдик, бугунги давр талаблари асосида юзлаб таклиф ва мулоҳазаларни жамладик. Кераклиларидан фойдаландик. Натижада, сайловчилар талабларини қондира оладиган даражадаги ҳужжатга эга бўлдик. Партияимизнинг бугун бўлиб ўтадиган Съездида уни яна бир бор муҳокама қилиб, қабул қилаемиз.

— Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларингизда ўзликни англаш, маънавият ва маърифат, узлуксиз таълим ва тарбия, миллий ғоя мазмун-моҳияти ҳақида кўп гапиряпсиз.

— Туркий халқларнинг қадимий ёдгорлиги ҳисобланган Ўрхун-Энасой таш битикларида шундай сўзлар ёзилган:

— Партия сайловолди Дастурида тил масаласи энг устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун бу сафар катта байрам сифатида нишонланди. Аммо тилимиз масаласида жамиятнинг зиёли қатлами зиммасига жуда катта вазифалар юклатилляпти. Шундай эмасми?

— Чиндан ҳам тил борасидаги муаммоларимиз етарли. Зеро, Президентимиз бе-

моатчилик саъй-ҳаракатига эҳтиёж сезилаётган эди. Тан олиш керак, биз, ҳатто ўтган 30 йил давомида «Давлат тили ҳақида»ги қонунга ҳам номигагина амал қилдик. Узоққа бормай, ён-атрофимиз, кўча-кўйга бир назар солайлик. Шунда амалдаги қонуннинг қайси бандига қай даражада риоя қилаётганимиз кўринади. Эъло ёхуд афишалардаги хатолар ҳақида ёзавериш, айтавериш чарчадик. Яна бир гап. Амалдаги қонунда пештахталарга аввал ўзбек, кейин заруратга қараб бошқа

— Алишер Келдиевич, очиги, бугунги сайловолди баҳс-мунозаралари жараёнида бевосита жамият, одамлар ҳаёти ва фаровонлигига тааллуқли бўлган глобал муаммолар кўтарилаётгани сезилмаяпти. Аксинча, бачкана танқидлар авж олаётгандек.

— Дарҳақиқат, айрим сиёсий рақиблиримиз, кўпинча, майда масалаларни мулоқот, баҳс мавзусига айлантиришга уриняптилар. Буни тирноқ остидан кир қидиришга ҳам ёки сайловчи эътиборини атайлаб

соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган таъкидлаш жоиз. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунга эса жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Партия фаоллари томонидан алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари — Самарқанд шаҳрида 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил болалар учун, Бахт шаҳрида 14 ёшдан 18 ёшгача ўғил болалар учун, Чиноз ҳамда Қўқон шаҳридаги қиз болалар учун ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасаларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳолати ўрганилди.

Натижада, жорий йилнинг 28 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган ўқув-

тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори имзоланди.

Партия Сайловолди платформасида белгиланган «ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига қўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш»га доир вазифадан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан мамлакатимиздаги 210 та «Баркамол авлод» марказлари фаолияти атрофича ўрганилиб, аниқланган камчиликлар асосидаги тахлиллар ва партия таклифлари Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлигига тақдим этилди. Унинг натижасида 2019 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самардорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Статистика

2014 - 2019 йилларда

2015 — 2019 йиллар давомида «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан бир қатор қонун ташаббускорлиги, барча даражадаги партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар томонидан кўплаб лойиҳалар амалга оширилди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббускорлик ҳуқуқи асосида 86 та қонун лойиҳаси парламент муҳокамасига киритилган бўлса, 64 тасида партия фракцияси аъзолари иштирок этдилар. Партия фракцияси ташаббуси билан парламент назорати доирасида 9 та эшитув ташкил этилди.

Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилган 5709 та депутатлик сўрови киритилиб, уларнинг ижобий ҳал эти-

лишига эришилди. Фуқаролар мурожаатлари асосида юборилган 16896 та депутатлик сўровларида қайд этилган 15493 та муаммо ва масала ўз ечимини топди.

Партия гуруҳлари ташаббуси билан 3661 нафар мансабдор шахснинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботи эшитилиб, 2583 та муҳим тахлил доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама қилинди. Маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига эса 1226 та ташаббус-масала киритилиб, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳисобот даврида 7 минг 300 дан зиёд маданий мерос объектларининг ҳолати ўрганилди. Шу ўринда партия тахлиллари ва таклифлари асосида 2018 йилнинг 19 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш



«Сен ўзингни англасанг, ўзлигинга қайтсанг, юксаласан, буюк бўласан!». Бу битиклар тошга ўйилганида аждодаларимиз ислом динидан беҳабар эдилар.

ПАЛАТАСИДА ЭНГ КЎП ЎРИН ЭГАЛЛАШ

Ўринбосари Алишер ҚОДИРОВ «Миллий тикланиш» мухбири саволларига жавоб беради.

«Сен ўзингни англасанг, ўзлигинга қайтсанг, юксаласан, буюк бўласан!». Бу битиклар тошга ўйилганида аждодаларимиз ислом динидан беҳабар эдилар. Орадан бир неча аср ўтиб: «Сиз ўзингиз ўзгармагунингизча, жамиятингиз ўзгармайди», деган оят нозил бўлган муқаддас Қуръони Карим аждодаларимиз руҳиятига муносиб бўлгани учун ҳам қадриятимизга айланди. Биз муқаддас исломни нафақат ўргандик, балки унинг моҳиятини инсониятга ўргатган буюк алломалар вориши ҳам бўлди.

Тарих саҳифаларини varaқласак, қаерда маърифатга эътибор қаратилиши, илм-фан ривожига шарт-шароит яратилиши билан бирга, инсон қадри, шаъни улугланган жамиятлардагина тараққийга эришилган.

Юртимиз юксалиши учун йўлга чиққан эканмиз, аввало, мустақам тикланиб олишимиз зарур. Қаддимизни букиб турган, кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка олаётган муаммоларимиз, қон-қонимизга, онгу шууримизга сингиб кетган «одатлар» халқимиз елкасидаги оғир юк бўлиб турибди. Ушбу муаммолар фақатгина иқтисод, иш ўринлари, завод-фабрикалар куриш билан боғлиқ, уларга ечим топилса, қолган масалалар ўз йўлига тушиб кетади, деган фикр хатодир. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Сирдарё вилояти фаоллари билан ўтказган учрашувида «Биз иқтисодиётимизни оёққа турғазамиз, пул топамиз, инвестициялар жалб қиламиз, лекин меҳнатларимизни қадрлайдиган, уларни янада ривожлантира оладиган ёш авлодни тарбия қилмасак, қилган ишларимиз ўз маъносини йўқотади», деб бежиз айтганлари йўқ.

Яъни инсон онгини ўзгартиришдек машаққатли иш йўқ. Биз уни ўзгартира оламизми? Инсон дунёқараши шаклланиб бўлганидан кейин икки ҳолатдагина ўзгариши мумкин: биринчиси – ҳаётнинг аччиқ тарақиси, тақдирнинг оғир зарбаси онгини ишлаган қирраларини ишлатиб юборади ва инсон ўз дунёқарашини ўзгартиради. Иккинчиси, инсон тафак-



АЙНИ ПАЙТДА асосий мақсадимиз – парламент қўйи палатасидан кўп ўрин эгаллаш. Ана шунда партиямиз гоёлари, мақсад-вазифаларини тўлиқ амалга ошириш имкони яратилади биз учун. Номзодларимиз ичидан эл-юрт таниган инсонлар кўп. Улар партиямизнинг парламентнинг қўйи палатаси ва маҳаллий кенгашларда кўп ўрин эгаллашимизга имконият яратиб берадилар, деган умиддаман.

кур қилади, буюк неъмат – идрок қўлланади, ўзини ўзгартиради ва ҳақиқатни топади. Бас, шундай экан, кейинги авлодларнинг тўғри йўлни танлашлари учун ҳозирданок яхши шароит яратиш устида жиддийроқ бош қотиришимиз керак. Бу «Миллий тикланиш»нинг асосий гоёларидан биридир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фарзанднинг қандай йўл танлаши, биринчи навбатда, оиладаги муҳит ва ота-онанинг дунёқараши билан боғлиқ. Тўғри танланган пойдевор устига маҳорат билан кадриятлар устунларини ўрнатиш мактабгача таълим муассасасидаги тарбиячига боғлиқ. Юксак масъулият ва меҳр билан тайёрланган пойдевор ва ноёб устунларни (миллий ва умуминсоний кадриятларни) ҳаётӣ мезонларга айлантириб юбориш

маҳорати камсонли миллатларга насиб этади) ҳаётнинг кучли бўруну довуллари топади. Бас, шундай экан, кейинги авлодларнинг тўғри йўлни танлашлари учун ҳозирданок яхши шароит яратиш устида жиддийроқ бош қотиришимиз керак. Бу «Миллий тикланиш»нинг асосий гоёларидан биридир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фарзанднинг қандай йўл танлаши, биринчи навбатда, оиладаги муҳит ва ота-онанинг дунёқараши билан боғлиқ. Тўғри танланган пойдевор устига маҳорат билан кадриятлар устунларини ўрнатиш мактабгача таълим муассасасидаги тарбиячига боғлиқ. Юксак масъулият ва меҳр билан тайёрланган пойдевор ва ноёб устунларни (миллий ва умуминсоний кадриятларни) ҳаётӣ мезонларга айлантириб юбориш

– **Маълумки, партиянинг парламентда кўп ўрин эгаллаши, энг аввало, танланган номзодлар ва уларнинг салоҳиятига боғлиқ. Чунки юртимизда партияга эмас, номзоднинг шахсига, кимлигига қараб овоз бериш кўникмаси шаклланган.**

– Дарҳақиқат, психология деймизми, кўникма деймизми, шундай қарашлар ҳалигача сақланиб қолмоқда. Бунинг илдизини яқин тарихимизда шаклланган партиявий анъаналардан излаш керак. Чунки собиқ иттифоқ даврида фақат битта партия мавжудлиги учун ҳам одамлар партияга эмас, номзод шахсига эътибор қаратган. Узоқ давом этган ана шу ҳолат одамларимиз психологиясига мустақам ўрнашиб қолган ва бу ҳозирга қадар давом этмоқда. Аммо бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар ушбу кўникмадан воз кечиш кераклигини тақозо этмоқда. Айни пайтда асосий мақсадимиз – парламент қўйи палатасидан кўп ўрин эгаллаш. Ана шунда партиямиз гоёлари, мақсад-вазифаларини тўлиқ амалга ошириш имкони яратилади биз учун. Номзодларимиз ичидан эл-юрт таниган инсонлар кўп. Улар партиямизнинг парламентнинг қўйи палатаси ва маҳаллий кенгашларда кўп ўрин эгаллашимизга имконият яратиб берадилар, деган умиддаман.

Яна бир муҳим масала. Биз бу сафар маҳаллий Кенгашларга кўрсатилган номзодларга алоҳида эътибор қаратдик. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки мазкур чақириқда маҳаллий Кенгашларга жуда катта ваколатлар берилди. Улар партиямиз мақсад-вазифаларини жойларда тўлақонли амалга ошириш, электорат манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатиши керак бўлади.

Бугунги тадбиримизда яна бир бор сайловолди Дастуриимизни, номзодларимизни муҳокама қиламиз. Муҳтасар айтганда, сайловда муваффақиятли иштирок этиш ва кўп овоз олишнинг мустақам, пухта-пишиқ стратегиясини тасдиқлаймиз.

Сухбатдош:
Исмаи ХУДОЁЕВ

Ҳамкорлик

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари ўзаро ҳамкорликни яхшилаш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ижросини таъминлашга қаратилган амалий тадбирларда иштирок этиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгиллашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш масалаларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, тадбирда ислохотлар ижросини таъминлашга ўзаро кўмаклашиш, хусусий сектор корхоналари ташкил этилишини кўпайтириш, ижтимоий хизматлар турини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини иш билан таъминлаш, маълум ижтимоий гуруҳ учун ҳомийлар топишда уларга имкон қадар ёрдам кўрсатиш, ижтимоий шароити оғир бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий корхоналарни ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурлиги эътиборга олинди. Учрашув якунида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Кутинг!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИ
МУХБИРЛАРИ РОССИЯ, ҚОЗОҒИСТОН
ВА КОРЕЯДАГИ МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ
БИЛАН УЧРАШИБ, ҚАНДАЙ

«СИР»НИ ФОШ ЭТИШМОҚЧИ?

Келгуси сонларда



Статистика

Дунё миқёсида
30 ёшгача
бўлган 2
миллиардга
яқин ёшлар
бўлиб, уларнинг
аксарияти
ривожланаётган
мамлакатлар,
хусусан,
Марказий Осиё
ҳиссасига тўғри
келяпти.

✓ Сафари жаноблари биронта туман ёки вилоятда маълум бир сабабларга кўра, номзоди ўтмай қолган бир юртдошимизни ёки қақажон бир опани топиб, мана мен ҳақ эдим, дея дунёга жар солади.




Абдулла Орипов

ЎН ТЎҚҚИЗ ХИЛ ЙИҒЛАЙМИЗ...

...«Тил ўзининг паҳлавонлигини кўрсатиши керак. Шу тилнинг имконияти таржимага етадимми-йўқми? Мени таржима жараёнида Италия пойтахти Римга таклиф қилишди, бордим. Катта ҳурмат билан қабул қилишди. Сўхбат жараёнида улар мендан: «Ўзбек тилининг қуввати, бойлиги бу асарни таржима қилишга етармикми?» дея сўраб қолишди. Мен уларга тилимизнинг имкониятлари нақадар кенглигини тушунтириб бердим ва, табиийки, бу тилнинг имкониятларини билмайсизлар, деб, Навойининг «Хамса»сини мисол қилиб келтирдим. Ҳар бир тилнинг бойлиги ундаги сўзларнинг синонимлари билан боғлиқ. Мен италиёликларга шундай савол бердим: — Айтишлар-чи, сизларда шамолнинг неча хил номи бор? Улар икки-уч сўзни айтишди. Шунда мен уларга шамол, бўрон, довул, ел, насим, шаббод, сабо... деб санаб бердим. Ва ниҳоят, бобомиз Алишер Навойининг «Мухокаматул луғатайн» асарига таяниб сўрадим: «Сизлар неча хил йиғлайсизлар? Биз, дедим, мисол учун 19 хил йиғлаймиз. Йиғламоқ, бўкирмоқ, сиқтамоқ, бўзламоқ, инграмоқ, ўкрамоқ, фарёд чекмоқ... Бу сўзларнинг ҳар бири ҳар хил ҳолатни беришини тушунтириб бердим. Шунда улар тилимизнинг қуввати, ифода қудрати, имкониятига тан беришди. — Бизнинг тилимиз ана шундай паҳлавон ва гўзал, сўлим тил дедим».

ЖАНОБ БЛОГЕР, СИРЛИ «ЎЙИН»ИНГИЗ ОРТИДА КИМ ТУРИБДИ?



Сафари номи билан танилган блогер Нозимжон Сафаров Ўзбекистондаги партиявийлик тизимини импотент тизим, деб атади.

«Тушунишимиз бўйича бугун Ўзбекистон бўйлаб ким депутат бўлиши яна ўша ўзимизни севимли пошшоларимиз, ҳокимларимиз ҳал қилмоқда. Агарда вазият ҳақиқатда шундай бўлса – Ўзбекистондаги партиявийлик тизимини бемалол импотент тизим дея атасак бўлади» деб ёзади блогер.

Очиғи, ўзини мамлакат сиёсий тизимининг «халис куюнчаги» сифатида кўрсатаётган Сафарининг бундай баҳосига партияларнинг ўзлари сабабчи бўлдилар.

Агар биронта партия «буюк эксперт»имизни бағрига босиб, унинг номзодини депутатликка кўрсатганида, бунақа қиррали тошлар партиялар томорқасига отилмасди. Шундан кейин то сайловгача Сафарининг сиёсий сафари анча сокин ўтган бўларди. Бу гапларни бежиз айтаётганимиз йўқ.

Агар блогернинг ўтган 2 ойдаги чиқишларини бироз таҳлил қилсак, у айнан ана шу тахсад сари изчил одимлаганини кўриш мумкин. Эътибор қилинг, у аввалига Олий Мажлис цирк эмаслигини тушунтирмоқчи бўлган депутатни чирмовуқдек сиқувга олди, оббо, энди бу ёғи нима бўлади, дея турли башоратлар билдириляётган пайтда «халис» блогеримиз айнан ўша депутат аъзо бўлган партия раҳбари билан парламент биносида суратга тушиб, минг-минглаб обуначиларига ўзаро «келишув шартномаси имзоланганини» ишора қилди.

Олий Мажлис биносининг деворлари жуда қалин. Ичкарида нима бўлгани, Сафари у ерга қандай борган, ким билан, қандай келишган, у ердан қандай кайфи-

ятда чиққани фақат Яратганга маълум.

Кўп ўтмай интернетда блогернинг ЎзЛиДеП фракциясининг анчайин нуфузли анжуманида иштирок этиб, зукколарча нутқ ирода қилгани ва партия элитасини ўз оғзига қаратиб ўтиргани акс этган суратлар тарқалди.

Ўшанда Сафари учун партиявий тизим, хусусан, ЎзЛиДеП тизими ҳам импотент эмас эди. Чунки Сафари қайсидир бир партия унга, албатта, оғиз солиб, ўртага совчи кўйишидан умидвор эди. Ҳатто «қаёққа ҳам боришарди, номзодимни кўрсатмай кўришсин-чи», деган шашт ҳам бор эди унда, десак хато бўлмас. Бу орада у арқонни узун ташлаш билан ҳам чекланмади. Гоҳ у, гоҳи бу партия ҳақида куюк, суюқ фикрлар билдириб турди.

Масалан, жорий йилнинг 2 октябрь куни телеграм каналида Россия Федерал Кенгаши раиси Валентина Матвиенконинг Ўзбекистоннинг Евросиё Иқтисодий Иттифоқига аъзо бўлиши масаласи кўриб чиқилмоқда, деган фикри эълон қилинган, «Ушбу хабарда менга энг ёқмагани, буни биз Ўзбекистон сиёсатчиларидан эмас Россия Федерал кенгаши раиси Валентина Матвиенкоддан билишимиз. Нега?», дея савол билан яна партияларни «уйғоқликка» чорлади. Шу билан бирга, ўз хабарида «Партиялар жим. Ҳар доимгидек. Фаралар ёки тонировкага ўхшаган оғриқсиз мавзулар бўлсагина қимирлаб қолишадиган» қабилдаги дўқлари билан партияларни ҳақиқат дори остига олиб боргандек тутди ўзини.

Орадан 4 кун ўтиб, «Миллий тикланиш» демократик партияси етакчиси А.Қодиров айна шу масала юзасидан партия позициясини эълон қилди. Аммо бу сафар ҳам «буюк экспертчи» қаноат ҳосил қилмади. «...Қодировнинг

баёноти ўртага совуқ кайфиятни олиб кириши мумкин. Чунки ЕИни иккинчи СССР дейиш политкорректликдан йироқ ибора. Қодиров ушбу иттифоққа эҳтимолий аъзолликни бирмунча юмшоқроқ сўзлар билан ифода қилиши мумкин эди. Шубҳасиз, бу баёнот партия учун плюс. Бироқ геосиёсатда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин», дея яна гина-қудуратларини сочди.

Мана энди оқибати. Партия етакчиларининг эътиборсизлиги, «дунёда тенги йўқ» блогер салоҳиятини етарлича баҳоламаганликлари натижасида бутун бошли тизим импотентга чиқарилди.

Энди хулоса ва жиддий мулоҳазаларга ўтсак. Эътибор беринг: Сафари жанобларининг бундай «уйин»лари жамиятимизда энди-энди оёққа тураётган, эркин матбуот шабадаларини тарқата бошлаган блогерлик институтини ёмон отличка чиқаришга уринишга ўхшаб кетмаяптими?

Ёки кимдир уюштираяптими бу ўйинларни? Бу жараёнда Сафарига қандай рол берилган? Чунки ҳар куни Марказий сайлов комиссияси мутасаддилари депутатликка номзодлар кўрсатишда сиёсий партиялар ишига ноқонуний ара-лашганлар, ҳатто жавобгарликка тортилишини қайта-қайта такрорлаб турганига гувоҳ бўляпмиз.

Халқаро Пресс-клуб, ТВ, газета ва журналлар шу ҳақда тинимсиз гапиряпти, ёзаяпти.

Сиёсий партиялар эса битта туман, шаҳар Кенгашига кўрсатиладиган номзод учун таллашиб, тортишиб ётибди. Сиёсий партиялар фаолияти ва депутатликка номзод кўрсатиш тартиб қонидасидан озгина хабардор бўлган киши Олий Мажлис депутатлигига муносиб номзодлар топиш айнан ушбу сайловда партиялар учун ҳаёт-мамот жангига айланганини ҳис этиб турибди. Уларни ўқитиб, малакасини оши-

риш керак. Вақт тигиз. Шундай бир пайтда ҳали бир шоҳ, ҳали иккинчи шоҳга кўниб, «ақлфурушлик» қилаётган бир блогер бутун бошли тизимни астар-авраси билан «пуф, сассиққа» чиқаришини бошқача баҳолаш мумкинми?

Тўғри, узоқ йиллар давомида сиёсий партияларимиз «юқори»нинг раъйига қараб фаолият олиб борди. Сайлов, номзод ва ҳақиқат сўзлари ҳар доим ҳам бир-бирига мутаносиб келавермади. Аммо кейинги уч йил мобайнидаги ўзгаришлар, хусусан, мамлакат сиёсий майдонидаги янгиланишларни илғамаслик, кўрмаслик кўрлик эмасми? Уч йил аввал битта тизимни бу даражада ҳақоратлаш у ёқда турсин, арзимас хато қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ. Аммо бу блогерлар учун қонунлар йўқ, дегани эмас. Бас шундай экан, блогернинг бундай йўсинда қуюшқондан чиқишига сиёсий партиялар муносиб баҳо беришлари шарт. Акс ҳолда, миллий матбуотимиз, турли сайтларда юз бераётган адоқсиз бош-бошдоқликларга янада кенгроқ йўл очиб берилади.

Бир сўз билан айтганда, эркин фуқаролик журналистикаси вакилиман, дегани мен учун қонунқоидаларинг ярим чақа, дегани эмас.

Шубҳа қилмайман, эрта ўтиб индин Сафари жаноблари биронта туман ёки вилоятда маълум бир сабабларга кўра, номзоди ўтмай қолган бир юртдошимизни ёки қақажон бир опани топиб, мана мен ҳақ эдим, дея дунёга жар солади.

Аммо... Аммо шундай ҳолат юз бергудек бўлса, кўпчилик юртдошларимиз блогерлик ҳам импотент тизимга айланиб қолибди-да, деган фикрга боришлари аниқ...

Муножот РАҲМОНОВА,
журналист

Кутинг!



**ҲАР БИР КЎРСАТУВИ УЧУН
5 МИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРИДА
ГОНОРАР ОЛИШИ АЙТИЛАЁТГАН
ТАНИҚЛИ СИЁСІЙ ШАРҲЛОВЧИ
НЕГА АЙНАН «МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING ШАРФИ БИЛАН
СУРАТГА ТУШДИ?**

Келгуси сонларда

Кўзгу

Ё АҲМОҚСАН ЁКИ МУНОФИҚ

Бир кун Исқандар Зулқарнайн маслаҳатчисига деди:

— Шу пайтгача сенга қанчадан-қанча инъом-эҳсонлар бердим. Аммо менга садоқат билан хизмат қилганини кўрмадим. Довдираб қолган маслаҳатчи:

— Авф этасиз, ҳукмдорим, айбим нимада? — деб сўради.

— Бир марта бўлса ҳамки, камчилигини юзимга айтмадинг. Бу қандай садоқат, бу қандай яқинлик?

— Ҳукмдорим, сизда ҳеч бир камчилик йўқ...

— Йўқ, янглишасан! Менда камчилик борлиги аниқ. Чунки инсон айбисиз-нуқсонсиз бўлмайди. Агар сен менда қандайдир хато-камчилик кўрмаётган бўлсанг, ғирт аҳмоқсан. Мабодо, кўра туриб, айтмаётган бўлсанг — мунофиқсан ёки маддох!

Оролда полигон фаолияти тўхтатилганидан кейин Пентагон мутахассислари ва бошқа илмий экспедициялар томонидан бир неча бор тадқиқотлар ўтказилган.

«New York Times»нинг хавотири қай даражада асосли?

К арийб 50 йил давомида ўтган асрнинг 40 йилларидан то 90 йилларигача дунёдаги энг махфий ҳудудлардан бири саналган Орол денгизининг қоқ марказидаги Возрождение ороли ҳамон сирлилигича қолмоқда. Тажриба синовлари тугаганидан кейин 27 йил ўтса-да, бу ерда Собик Иттифоқнинг совуқ уруш давридан қолган заҳарли сарқитлари сақланиб қолмоқда. Орол денгизи тўлин пайтларда унда 300 га яқин катта-кичик ороллар мавжуд бўлган. Шуларнинг энг йирик 3 таси Кўкорол, Барсакелмес ва Возрождениедир.

Возрождение ороли XVI-XVII асрларда Орол денгизи сатҳи пасайган вақтда ҳосил бўлган. Маҳаллий аҳоли томонидан Қантубек деб аталган ушбу жой 1848 йилда лейтенант Алексей Бутаков экспедицияси томонидан кашф қилиниб, Николай I подшоҳ хурматига Николай ороли деб номланган. Кейинчалик янги ҳукумат даврида «Возрождение» номи билан атала бошланган. Атрофи феруза рангли сув билан ўралган оролда минглаб сайқоқлар тўдаси юрган, денгиз эса балиқларга бой бўлган.

Қадимдан балиқчилар макони бўлган орол ўтган асрнинг 40 йилларидан бошлаб биологик қуролларни синовдан ўтказадиган ҳудудга айланган. Шу пайтдан бошлаб балиқчилар ва бошқа бегоналарга ҳудудга яқинлашиш қатъиян ман қилинган.

Шартли равишда ушбу ҳудуд «Бархан» ёки «Аральск 7» деб номланган. Ҳудуд ўта махфий саналган ва дунёнинг ҳеч бир харитасида акс этмаган. Махфийлик даражаси шу қадар бўлганки, полигонда хизматда юрган ходимлар ҳам қаерда ишлаётганларини билишмаган.

Жорий йил бошидан мазкур ҳудудда қудуқлар қазилиб, саксовуллар экилиб, яшил оазислар пайдо қилиниши баҳонасида арвоҳ шаҳарни кўзимиз билан кўриш иштиғи яна ошди.

Бизга йўлбошчилик қилаётган мўйноқлик йигит шаҳарнинг мародёрлар томонидан қўпол тарзда талон-тарож қилинганини айтиб берди.

– Эшитишимча, бу ердаги ҳарбий қисмда қорақалпоғистонлик бир йигит ҳам хизматда бўлган экан, – дейди у. – Унинг айтишича, Собик Иттифоқ тарқаб, полигон фаолияти тугаганидан кейин Қозоғистоннинг Орол шаҳридан, Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот, Мўйноқ туманларидан кўплаб одамлар бу ердан нарсалар ташиш бошлади. Шунда ҳалиги йигит ҳам металлалом ташишга келади ва шаҳарни кўриб ҳайратда қолади.

– Наҳотки, бу мен хизмат қилган шаҳар бўлса, – деб бақариб юборади. – Мен аниқ шу шаҳарда ҳарбий хизматда бўлганман.

Унинг гапига бошқалар ишонмайди. Шунда у мен ўзимнинг хонамини топиб

бераман сизларга. Хонадаги деворга ўзимнинг исминни ёзиб кетганман, деб ҳаммани эргаштириб олиб борса, ҳақиқатан ҳам ёзув сақланиб қолган экан.

Йўлбошловчи йигитнинг ҳикоясидан кейин у кишини топиш ва суҳбат уюштиришга қизиқиш билдиргандик, лекин у ҳақида бошқа маълумот топишнинг иложи бўлмади.

Умуман олганда, махфий ҳудудда бир пайтнинг ўзида бир ярим минг киши яшаб, хизматда бўлган бўлса ҳам уларга маълум вақтгача сирни ошкор қилмаслик бўйича хизмат топшириғи бўлганлиги аниқ, чунки ҳатто Интернетда ҳам бу бўйича хизматда бўлган ёки ҳарбий шаҳарда яшаган бирон кишининг тилидан айрилган ҳикояларни топиб бўлмайди.

Фақат Қанатжан Алибеков (Кен Алибек) томонидан фош қилинган сирлар бутун дунёни ларзага солган эди.

Кен Алибек ким эди? Қанатжан Алибеков (АҚШда Ken Alibek, Kenneth Alibek) 1950 йилда таваллуд толган. Шифокор, олим, иммунология ва инфекция касалликлар бўйича мутахассис. Ҳарбий шифокор, полковник, биология ва биотехнология фанлари доктори илмий даражаларига эга.

У 1975 йилдан бошлаб собик Иттифоқда биологик қурол яшаш ва синов билан шуғулланадиган «Биопрепарат» ташкилотиде раҳбар лавозимларида фаолият юритади. 1990 йилда собик Иттифоқ президенти М.Горбачёвга Иттифоқдаги биологик қурол ишлаб чиқариш дастури тўхтатиш бўйича йўллаган тавсия хати маъқулланади ва 1991 йилнинг охирида АҚШ биологик объектларини инспекция қиладиган комиссия бошқарувчиларидан бири бўлади. Инспекция АҚШнинг ҳарбий биологик қурол ишлаб чиқаришини 70-йиллар бошларида тўхтатганини кўрсатади.

Қанатжан Алибек 1992 йилда АҚШга кўчиб ўтиб, «Biohazard» номли китобини чоп қилади ва унда Возрождение оролининг сирини тўла очиб ташланади. Китобда муаллиф «1998 йилда мени раҳбарлигимда Степногорск шаҳрида ясалган «Сибирь куйдиргиси»нинг дунёдаги энг кучли штамми ушбу оролда синовдан



ўтказилди» деб кесиб айтди.

Қантубек шаҳрига бораётганимизда ҳар жойда турган баскетбол ўйнайдиган столбага ўхшаш қозиклар эътиборимизни тортиди. Бу қозиклар шаҳардан 5-6 километр узоқда эди. Маълумотларга кўра, энг кўрқинчли синовлар шу қозиклар атрофиде ўтказилган экан.

Маълумки, мазкур оролда ярим аср давомида ит, маймун, қўй, от каби ҳайвонларда бошқа бактериологик қуроллар ҳам синовдан ўтказилган. Препаратлар намуналари Степногорск, Киров, Екатеринбург каби ўнлаб шаҳарлардаги биокимёвий лабораториялардан етказиб бериб турилган.

Қанатжан Алибековнинг таъкидлашича, кичикроқ тажрибалар ўтказиш мақсадида, ҳалиги қозикка 8-9 та маймунни боғлаб, уларнинг тепасидан сибирь куйдиргисини келтириб чиқарадиган биологик «бомба»ни сочиб турган.

Шундай қилиб, махсус ўнлаб асбобиға юқумли штамларнинг очик осмонда қандай қилиб тарқалишини, қандай вақтда тажриба-маймунларга етишини ва уларга қандай таъсир қилиб, қандай ўлишигача ёзилиб олинган. Маймунлар тепаларида «бомба» ёрилганида аввал нима

маҳаллий аҳоли денгиздан кўплаб ўлик балиқларни топади. Ҳеч ким нима бўлганини тушунмайди. 1988 йил май ойида эса орол яқинидаги чўлда 50 минг бошдан иборат катта сайқоқ подаси 1 соат ичида нобуд бўлганлиги қайд этилади.

Ушбу ҳодисаларга оролда олиб борилган бактериологик қуролларнинг синов тажрибаси сабаб бўлди, деган хулоса чиқарилади.

Аввал таъкидлаганимиздек, бактериологик қуроллар ҳавода ҳам синаб қурилади.

Хавфли антракс қуролнинг собик Иттифоқда ишлаб чиқилаётгани ҳақида тарқалган хабар эса халқаро можаброга сабаб бўлади. 1988 йили Россиянинг Свердловск шаҳри қошида ишлаб чиқарилган юзлаб тонна сибир куйдиргисини келтириб чиқарувчи қуроллар зангламайдиган махсус контейнерларга жойлаштирилади ва устига хлорли оҳак қуйилади. Кейинчалик минглаб километр йўл босиб Возрождение оролига кўмилади.

Баъзи маълумотларда антракснинг 10 килограмми 300 минг одам яшайдиган битта шаҳарни бир тунда қириб ташлаши мумкинлиги ҳақида айтилади. Возрождение эса 24 та вагон антракс кўмилган. 1999 йилда «New York Times» газетаси ушбу кўмилган антракс қуроли бутун дунё ахлини бир неча бор йўқ қилиб юборишга қодир, денгиз суви қуриб кетаяпти, орол келгусида ярим оролга айланса, у ердан кемирувчилар ва қушлар орқали касаллик тарқаб кетиши мумкинлиги ҳақида бонг уради.

Оролда полигон фаолияти тўхтатилганидан кейин Пентагон мутахассислари ва бошқа илмий экспедициялар томонидан бир неча бор тадқиқотлар ўтказилган. Лекин шу кунгача тадқиқот олиб борган қатор экспедициялар хулосасига кўра, ҳудудда эпидемиологик хавф кузатилмаган.

Мўйноқлик қари балиқчилар бу ҳақида нима билди? Мўйноқлик ёши улуг балиқчилар ушбу махфий ҳудуд ва ҳарбий кемаларга кўп маротба рўбарў бўлганини яхши эслайди.

– Бир куни Қозоғистоннинг Орол шаҳридан баржага ортилган юкни Мўйноққа тортиб келаётгандик. Бир вақт кемамининг винтига трос илиниб қолиб, юрмай қолди. Анча овора бўлдик, лекин трос ёзилмади. Ёрдамга чақирувчи қизил SOS ракетасини уқирдик. Орадан 2 соат ўтганидан кейин ёнимизда ҳарбий катер пайдо бўлди. Бортдаги ҳаммамизни ўзларининг катериға ўтказиб, каютасига қамаб қўйди ва кемамининг судраб номаълум қирғоққа олиб келди. Биз қаерга келганимизни билмасдик. Бу ерда бироз вақт кемамининг тагиға илашган тросларни ёздириб, қайтадан судраб аввалги жойимизга олиб келди ва бу ҳудудга қайтиб яқинлашманг, деб буюрди, – дейди мўйноқлик балиқчи Олмос Тобашев.

– 1970–75 йилларда Орол денгизининг ўртасида, асосан бақрабалиқ кўп бўларди. Баъзан қоронги тунда адашиб ҳам қолганми. Бир куни қалин туманда денгиз ўртасида компасимиз ишламай қолди. Кўп вақт адашиб юрганми. Тўсатдан ёнимизда ҳарбийлар кемаси пайдо бўлган. Компасимизни тузатиб, қайси томонга юришимизни кўрсатишган. Кейин билсак, биз адашиб, ўша пайтларда энг махфий саналган ҳудуд – Орол денгизи ўртасидаги Возрождение

оролига яқинлашиб қолган эканми, – деб эслайди учсойлик Адилбай Бигелдиев.

Арвоҳ шаҳардан туристик мақсадда фойдаланса бўлади...ми?

Возрождениега кириб борар эканми, очиги, саҳро табиатининг гўзаллигига лол қолдик. Жорий йил баҳорда ёғингарчилик мўл бўлгани боис атроф ямояшил эди. Қуён кўп экан. Саксовул қалин бўлиб ўсган.

Шаҳарга киришимиз билан вужудимизни қандайдир хавотир эгаллаб олди. Бўм-бўш кўп қаватли уйлар, бинолар. Шамол хувиллаб, кўрқинчли овозлар кулоғингга чалинади. Бир бурчақдан номаълум ҳайвон чиқиб келадигандек туюлаверади.

Ташландиқ шаҳар мародёрлар томонидан шундай талланганки, бинолар ичига кириш хавфли бўлиб қолган.

Шаҳар иккита қисмдан иборат: шимолий қисмида бир ярим мингга яқин полигон хизматидаги ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва аскарлар яшаган, жанубий қисмида эса лабораториялар фаолият юритган.

Аҳоли яшаган қисмини 4 соат айланиб юрганимиз билан ҳаммасини кўриб чиқишга улгура олмадик. Бизга ҳар бир объект қизиқ эди. Ҳа, бу ерда мактаб, шифохона, болалар боғчаси, ошхона, дўкон, ҳаммом-кирхона комбинати, омборхона, автобаза, ҳаттоки турмаси ҳам бўлган. Мактаб билан шифохона бутунлай қўпориб олиб кетилган.

Шаҳарнинг гарбида камида 40 тонна келадиган кўмир уюндиси қолиб кетган. Автомашиналар, ҳатто танклар ҳам ташлаб кетилган. Бугунги кунда уларнинг фақат скелети қолган.

Хавфли ҳудуд бўлган бўлса ҳам бу ерда аҳолининг яшаши учун жуда яхши шароит яратилгани яққол кўзга ташланади. Атрофи денгиз билан қуршалган ҳудуд ҳақиқий гўзал манзарга эга бўлганлиги аниқ.

Шаҳарнинг жанубидан 3 километрда жойлашган қисмида лабораториялар мавжуд. Хавфли бўлишига қарамаддан, мародёрлар томонидан лабораторияларнинг материаллари ҳам аёвсиз туналган. Хозиргача ушбу бинолардан дорилар ҳиди анқиб турибди.

Иккита шаҳар ўртасида эса қозонхонага ўхшаш бинони кўрдик. Маълум бўлишича, крематорий печ ҳам бўлган экан. Яъни тажриба ўтказилган ҳайвонлар шу ерда ёқиб юборилиб, жасадларнинг қули махсус жойга кўмилган. Баъзи маълумотларга кўра, касаллик юмтирган одамлар ҳам шу ерда ёқиб юборилган.

Ташландиқ шаҳарда қизиқарли объектлар кўп-ки, уларни бир кун ичида айланиб чиқиб бўлмайди.

Хўш, Возрождение хавфли ҳудудми ёки йўқ? Бу саволга ҳалигача аниқ жавоб йўқ.

Кўплаб давлатларда, хусусан, Чернобилда ҳам арвоҳ шаҳарлардан туристик мақсадда фойдаланиб келишмоқда. Возрождение ҳудудининг хавфсизлиги ушбу саволга, у сайёҳлик йўналишида тезда машҳур бўлиши аниқ.

Ҳозирнинг ўзида Возрождениега яқин жойда, яъни Шағала массивида қудуқлар қазилиб яшил оазис барпо қилинмоқда. Мақсад сайёҳлик салохиятини кўтариш.

Возрождение эса номига мос тарзда қайта уйғонмоқда.

Возрождениега кириб борар эканми, очиги, саҳро табиатининг гўзаллигига лол қолдик. Жорий йил баҳорда ёғингарчилик мўл бўлгани боис атроф ямояшил эди. Қуён кўп экан. Саксовул қалин бўлиб ўсган.

Шаҳарга киришимиз билан вужудимизни қандайдир хавотир эгаллаб олди. Бўм-бўш кўп қаватли уйлар, бинолар. Шамол хувиллаб, кўрқинчли овозлар кулоғингга чалинади. Бир бурчақдан номаълум ҳайвон чиқиб келадигандек туюлаверади.

Ташландиқ шаҳар мародёрлар томонидан шундай талланганки, бинолар ичига кириш хавфли бўлиб қолган.

Шаҳар иккита қисмдан иборат: шимолий қисмида бир ярим мингга яқин полигон хизматидаги ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва аскарлар яшаган, жанубий қисмида эса лабораториялар фаолият юритган.

Аҳоли яшаган қисмини 4 соат айланиб юрганимиз билан ҳаммасини кўриб чиқишга улгура олмадик. Бизга ҳар бир объект қизиқ эди. Ҳа, бу ерда мактаб, шифохона, болалар боғчаси, ошхона, дўкон, ҳаммом-кирхона комбинати, омборхона, автобаза, ҳаттоки турмаси ҳам бўлган. Мактаб билан шифохона бутунлай қўпориб олиб кетилган.

Шаҳарнинг гарбида камида 40 тонна келадиган кўмир уюндиси қолиб кетган. Автомашиналар, ҳатто танклар ҳам ташлаб кетилган. Бугунги кунда уларнинг фақат скелети қолган.

Хавфли ҳудуд бўлган бўлса ҳам бу ерда аҳолининг яшаши учун жуда яхши шароит яратилгани яққол кўзга ташланади. Атрофи денгиз билан қуршалган ҳудуд ҳақиқий гўзал манзарга эга бўлганлиги аниқ.

Шаҳарнинг жанубидан 3 километрда жойлашган қисмида лабораториялар мавжуд. Хавфли бўлишига қарамаддан, мародёрлар томонидан лабораторияларнинг материаллари ҳам аёвсиз туналган. Хозиргача ушбу бинолардан дорилар ҳиди анқиб турибди.

Иккита шаҳар ўртасида эса қозонхонага ўхшаш бинони кўрдик. Маълум бўлишича, крематорий печ ҳам бўлган экан. Яъни тажриба ўтказилган ҳайвонлар шу ерда ёқиб юборилиб, жасадларнинг қули махсус жойга кўмилган. Баъзи маълумотларга кўра, касаллик юмтирган одамлар ҳам шу ерда ёқиб юборилган.

Ташландиқ шаҳарда қизиқарли объектлар кўп-ки, уларни бир кун ичида айланиб чиқиб бўлмайди.

Хўш, Возрождение хавфли ҳудудми ёки йўқ? Бу саволга ҳалигача аниқ жавоб йўқ.

Кўплаб давлатларда, хусусан, Чернобилда ҳам арвоҳ шаҳарлардан туристик мақсадда фойдаланиб келишмоқда. Возрождение ҳудудининг хавфсизлиги ушбу саволга, у сайёҳлик йўналишида тезда машҳур бўлиши аниқ.

Ҳозирнинг ўзида Возрождениега яқин жойда, яъни Шағала массивида қудуқлар қазилиб яшил оазис барпо қилинмоқда. Мақсад сайёҳлик салохиятини кўтариш.

Возрождение эса номига мос тарзда қайта уйғонмоқда.

”

Табиий мувозанатни издан чиқаришга қаратилган, инсон саломатлиги, наботот ва ҳайвонот оламига зарар етказувчи ҳар қандай хатти-ҳаракат миллий манфаатларимизга зид, дея баҳоланиши ва уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилишига эришамиз.

«MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

Бир мунча вақт ўтгач,

Е.ҚАНОАТОВ,
журналист

Журналистлар, айниқса, блогерларимиз бирон-бир маълумот ёки ахборот тарқатишдан олдин уни чуқур танқидий-таҳлил қилиб, лозим бўлса дин соҳаси вакиллари билан маслаҳатлашган ҳолда чоп этсалар мақсадга мувофиқ бўлади.



Динни ниқобга айлантиришдан ким манфаатдор?

Кейинги пайтларда диний соҳа ҳамда диндорларимиз фаолияти оммавий ахборот воситалари, хусусан, ижтимоий тармоқларда кенг ёритилмоқда. Аммо дунёда дин билан боғлиқ таҳдид ва хавотирлар кучайиб бораётган бугунги шароитда мазкур соҳа ОАВ да қай даражада ҳолис ва профессионал ёритилляпти? Журналистлар ушбу соҳадан қанчалик хабардорлар? Қандай қилиб ОАВ орқали экстремистик гуруҳларнинг бузғунчи ғоялари тарқалишининг олдини олиш мумкин?

Ахборот-технологиялари шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда чиндан ҳам аксарият фуқаролар, айниқса, ёшлар учун турли веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, веб-каналлар диний маълумотлар олишда асосий манбага айланди. Бу эса ўз навбатида бузғунчи ғоялар таъсирининг оммавий ахборот воситалари орқали кириб келиши хавфини кучайтиряпти.

Бу ҳолат ҳар биримиздан турли экстремистик гуруҳларнинг ОАВ имкониятларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг онгини захарлашларига йўл қўймаслигини, уларга қарши ахборот курашининг янги инновацион усулларидан самарали фойдаланишимиз зарурлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ОАВ орқали бузғунчи ғоялар тарқалишининг олдини олишда журналистлар, айниқса, блогерлар яъни фуқаролик журналистикаси вакилларининг "Виждон эркинлиги ва диний ташиқлотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда соҳани тартибга солишчи бошқа ҳужжатлардан хабардор бўлишлари жуда муҳимдир. Чунки, ушбу ҳужжатлар давлатимизнинг дунёвий асосларини мустаҳкамлаш ва муқаддас динимиздан ғайри мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймасликларни учун умуминсоний қарашлар тизимини белгилаб беради.

Тан олишимиз керакки, айрим журналистларнинг диний тушунчалари етарли даражада эмаслиги, улар томонидан диний таълимнинг тўғри тарғиб қилиш, анъанавий динни турли оқимлардан фарқини кўрсатиб бериш, фуқароларни бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда тўлақонли фаолият юритишларига тўсқинлик қилляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим гуруҳларнинг сиёсат билан дин ажралмасдир, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ислом дини қоидалари асосида бошқарилиши керак, деган демократия тамойилларига зид даъволари ҳам жамиятда бирёқлама кайфиятни келтириб чиқармоқда.

Ваҳоланки, Конституцияимизнинг 61-моддасида "Диний ташиқлотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди", - деган норма қатъий белгилаб қўйилган.

Аммо диннинг давлатдан ажратилгани унинг жамиятдан ажратил-

ганини билдирмайди.

Мазкур демократик назария, бир томондан, динни ундан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринишлардан ҳимоя қилса, бошқа томондан, уни мутаассиблик ва жаҳолатда айбашларидан асрайди. Маълумки, давлатни идора қилиш, жамиятни бошқариш диннинг эмас, балки сиёсий раҳбарларнинг вазифасидир.

Диний раҳбарлар эса кишиларни ислом қадриятлари асосида тарбиялаб, жамият олдида турган долзарб вазифаларни амалга ошириш, ҳаётий масалаларни ҳал этишда давлатга ёрдам беришлари лозим.

Бир сўз билан айтганда, давлат фуқароларнинг диний эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатига шу даражада эҳтиром кўрсатишлари талаб этилади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари эса мана шундай тартиб-қоидалар асосида ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаёти мутаносиб ривожланиши сабабларини аҳолига ҳолис тушунтиришлари керак.

Шуни ёдда тутиш керакки, биринчидан, биз дунёвий давлатда яшаймиз, унинг эса ўзига яраша қонун-қоидалари бор.

Иккинчидан, ҳар қандай жамиятда келиб чиқаётган диний низолар аксарият ҳолларда экстремистик гуруҳлар томонидан уюштириляпти. Шунинг учун ҳам журналистлар, айниқса, блогерларимиз бирон-бир маълумот ёки ахборот тарқатишдан олдин уни чуқур танқидий-таҳлил қилиб, лозим бўлса дин соҳаси вакиллари билан маслаҳатлашган ҳолда чоп этсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Чунки кейинги пайтларда дин мавзусида ҳақиқатдан йироқ бўлган кўпмаб маълумотлар чоп этилаётгани кузатилмоқда.

Ана шундай бир пайтда баъзи журналистларнинг тажовузкор ва тасдиқланмаган маълумотларни эълон қилаётганларидан кўз юмиб бўлмайди.

Гарчи улар қасддан тарқатилмаётган бўлса-да, кўп ҳолларда аҳоли томонидан ҳақиқат сифатида қабул қилинмоқда ва бу айрим ОАВда, айниқса, блогерлар томонидан ижтимоий тармоқларга жойлаштирилмоқда. Энг ачинарлиси, мазкур материалларнинг айрим шахслар томонидан қасддан, ўз қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун тарқатилётган бўлиши мумкинлигини журналистларимиз ўйлаб ҳам кўрмайптилар.

Ваҳоланки, айрим гуруҳлар юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга диний тус бериш, сохта ғояларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш ва аҳоли онгига носоглом ақидани синдиришга ҳаракат қилишяпти.

Айрим ҳолларда эса баъзи журналистлар, айниқса блогерларимиз хижоб кийган аёллар, таълим муассасаларида рўмол ураб юрган қизларимизнинг "ҳуқуқлар"и ҳимоячиси сифатида ўзларини кўрсатмоқдалар.

Шу билан бирга улар таълим муассасаларида белгилаб қўйилган кийиниш тартиб-қоидаларига бўйсунмаслиқни оқлаб, буни хижоб

ёки рўмолли мусулмонларни камситиш, деб баҳолашяпти.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳудудида ҳали ҳеч ким ва ҳеч қачон рўмол ураш яъни авратни ёпиб юришга қаршилик қилмаган. Фақатгина бошқа миллатларга тақдир қилиб, кийиниш маданиятига риоя қилмаслик, билиб-билмай ёт ғояларни тарғиб қилиш каби иллатларга қарши турилган, холос. Бундай иллатлар билан нафақат Ўзбекистон балки барча давлатлар, хусусан ислом давлатларида ҳам жиддий курашиб келинмоқда.

Маълумки, оммавий ахборот воситаларига қўйиладиган муҳим талаблардан бири бу – ҳолислик ва ҳаққонийликдир. Шундай экан,

навий ислом қадриятларини бузиб кўрсатиш ҳолатлари кўпайиб, жамиятда исломофобия кучайиб бормоқда.

Оқибатда динни тушунмасдан ёритиш, иккинчи томондан эса дин билан кўрқитиш жамиятнинг икки гуруҳга ажратиб қўймоқда.

Тўғри, дин соҳаси вакиллари жумладан, имом-хатиб ва ноибларнинг билим даражаси йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ва, бу юқоридагидек ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омил бўляпти. Лекин уларни обрўсизлантириш мақсадида айрим гуруҳлар, хусусан, блогерлар диндорлар маърузасидан айрим жумлаларни юлиб олиш орқали уларга нисбатан ахборот ҳужумлари уюштираёт-



БАЪЗИ ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ

тажовузкор ва тасдиқланмаган маълумотларни эълон қилаётганларидан кўз юмиб бўлмайди.

журналистларимиз мазкур тамойилларга қатъий амал қилган ҳолда иш юритсалар, тинчлик ва хотиржамликка хизмат қилган бўларди.

Сир эмаски, экстремистик ва террористик оқимлар ҳар қандай дунёвий давлатда олиб бориладиган сиёсатга душманона муносабатда бўлаётганларини журналистларимиз яхши биладилар. Улар ўз ғояларининг бошқалардан устунлигини такрорлайдилар, дунёвийликни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда қонунларни инкор этадилар. Одамларни чин имонийлар ва муртадларга ажратиб, халқларнинг урф-одатлари ва маънавиятига салбий муносабатда бўладилар. Ташқи кўринишга қатъий талаб қўйиб, уни бузганларни кофирликда айблашади. Одамларни дўзах билан кўрқитиб, охир оқибатда ўз сафларига жалб қилишга эришидилар. Шу тартибда кишиларни "зомби"ларга айлантиришади.

Шунинг учун ҳам биз ислом динининг асл моҳиятини кенг тарғиб қилиш, мақсадини ҳолис очиб бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Албатта, ҳеч ким хатолардан оз фоз муҳофаза қилинмаган. Лекин бу масалада журналистлар томонидан йўл қўйилган ҳар қандай хато жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. ОАВ вакиллари мазкур соҳани ёритишга бел боғлаган эканлар, демек соҳанинг энг майда икир-чикирларига ҳам яхши билишлари лозим. Улар ўқувчиларга экстремистик оқимларнинг асл мақсади, улар давлатимиз тинчлигига раҳна солувчи ёвуз куч эканини кўрсатиб, шу ҳақда ҳолис маълумот бериб борсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ўринда айрим ОАВ вакиллари ўз рейтингларини ошириш мақсадида ахборотларни ўрганмай ҳам тарқатаётганларини таъкидлаш жоиз. Уларнинг асл мақсади қандай бўлмасин, ўқувчилари ва томошабинлари эътиборини тортишдир. Оқибатда тўғри тушунчаларни нотўғри талқин қилиш, анъа-

ганларини ҳам айтиш жоиз.

Бу нафақат диндорлар, балки журналистлар обрўсига ҳам путур етказяпти.

Шу сабабли оммавий ахборот воситалари бундай материалларни тайёрлаш ва чоп этишда шахсий жавобгарликларни, керак бўлса жамият олдидаги масъулиятларини унутмасликлари лозим.

Бас шундай экан, ҳақли бир савол туғилади: хўш, қандай қилиб ахборот хуружларига қарши туриш мумкин?

Биринчидан, ОАВ сохта маълумотларни тарқатишдан тийилиши лозим. Иккинчидан, мутаассибликдан фарқи ўлароқ, асрлар давомида шаклланган муқаддас динимиз тўғрисида кўпроқ ёзиш, маънавий қадриятларимиз ва дунёвийлик масалаларини кенгроқ тарғиб қилиш керак. Фақат шу йўл билангина радикал оқимлар ғоясига қарши туриб, аҳолида ёт мафкураларга нисбатан иммунитетни шакллантира оламиз.

Ҳеч шубҳа йўқки, муқаддас динимиз, бой тарихимиз, азалий урф-одатларимиз, она тилимиз – буларнинг барчаси Ўзбекистон келажакни белгилайдиган мустаҳкам пойдевордир. Унинг бузилиши эса миллимизни таназзулга етаклайди. Бузғунчи ғоялар эгалари эса айнан шунга интилмоқдалар.

ОАВлари жамоатчилик фикрини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнашади. Шунинг учун ҳам журналистларимиз профессионал масъулиятларини ёдда тутишлари, авваломбор виждон амри, шаъни ва қадр-қиммат тамойиллари асосида иш кўришлари керак.

Шундай экан, сохта маълумотлар ортидан қувмайлик. Жамиятимизда меҳр ва мурувват ғояларини кенг тарғиб этиб, баркамол авлодни тарбиялайлик. Зеро, биз кураётган жамиятда ўз фарзандларимиз, набиранларимиз яшайдилар. Буни эса ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Азиз МАҚСУДОВ,
сиёсатшунос

Моддий маданий мерос объектларини сақлашга хусусий сармоядорлар фаол жалб этилади



Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартдаги қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисида Низомга қўшилган янги (291) бандга кўра, ҳудудида туризм инфратузилма объектлари, шу жумладан, жойлаштириш воситалари бўлган ёки яратиладиган моддий маданий мерос объектлари ўттиз йилгача мuddатга, бироқ камида ўн йилга ижарага берилди.

Бунда ижарачилар беш йиллик ижара ҳақиға тенг бўлган маблағни ҳудудида ўзлари жойлашган моддий маданий мерос объектларини реставрация ва консервация қилишга йўналтиришса, шунингдек, моддий маданий мерос объектларини сақлаш нормаларига риоя қилишса дастлабки беш йилда ижарага ҳақ тўлашдан озод қилинадилар. Ижара шартномасининг амал қилиш мuddатини узайтириш танлов комиссиясининг қарори асосида амалга оширилади.

Асосий мақсад – ижара мuddатини узайтириш орқали моддий маданий мерос объектларини қайта тиклашга қўшимча маблағларни жалб қилишдан иборат. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги "Туризм тармогини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди, шунингдек Ҳукуматнинг соҳани ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларида белгиланган вазифаларда санитар-гигиеник шохобчаларни қуриш, уларни замонавий санитария талабларига мувофиқ эксплуатацияга беришни таъминлаш вазифаси қўйилган.

Та д бир корларни Ўзбекистоннинг шаҳар ва туманларини санитар-гигиеник шохобчаларни қуришга қизиқтириш мақсадида уларга манфаатли имтиёзлар тақдим этилган. Мамлакат аҳолиси ҳамда юртимиз меҳмонларининг саёҳат қилишларига қулай шароит яратиш ва санитария-гигиена шохобчалар ҳолатини яхшилаш учун бошқа қатор чоралар ҳам кўрилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги қарори билан тасдиқланган тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг илтимосномасига кўра, тадбиркорларга электрон аукционда иштирок этмаган ҳолда, 80 – 100 метр квадрат ўлчамдаги ер участкалари тақдим этилади.

ЎЗА

✓ Хамюртимиз Маъруфжон Шакарров 2017 йилнинг 3 июнида куни Москва шаҳри, Голяново тумани ИИБ ходимлари томонидан гиёҳванд моддаси савдоси билан шугулланувчи гумондор сифатида қўлга олинган эди...

Контракт тўлов муддати узайтирилди



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, талабалар учун контракт тўлаш муддати узайтирилди. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг жорий йил 21 октябрдаги баёни билан кўпчилик абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда ОТМлар ректорларининг муносабатларини инобатга олиб, 2019/2020 ўқув йилида ОТМлар бакалавриятига тўлов-контракт асосида талабаларга тавсия этилган (шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган) абитуриентлар, ўқиш кўчирилган ва қайта тикланган талабалар ўқиш учун тўлов ҳақини ўтказиш ҳамда талабалар сафига қабул қилишни расмийлаштиришнинг сўнгги муддати 2019 йилнинг 20 ноябрь эди белгиланди.

ЎЗА

Мусофирлик алами

ёхуд Россияда ноҳақ қамалган юртдошимиз билан юзма-юз учрашув

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолларининг Россиянинг Новосибирск ҳамда Смоленск вилоятларида бўлиб, бир қатор лойиҳаларни амалга оширгани ҳақида маълумот берган эдик. Хусусан, партия ташаббуси билан «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганига 30 йиллиги муносабати билан Новосибирск Давлат оммавий, илмий-техник кутубхонасида «Ўзбек тилидаги адабиётлар бўлими» очилди. Шунингдек, партия фаоллари Россиянинг бир қатор ҳудудларида бўлиб, 400 нафарга яқин ватандошларимиз билан учрашиб, уларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини ўрганишди.

Россия сафаридан кўзланган яна бир мақсад айна пайтда Смоленск вилояти, Сафонова шаҳарчасидаги 3-сонли жазони ижро этиш муассасасида ҳибсда сақланаётган ўзбекистонлик Маъруфжон Шакарров билан учрашиб эди.

Авалло Маъруфжон Шакарров ҳақида қисқача маълумот берсак.

Тошкент вилоятининг Бекобод туманида туғилган Маъруфжон Шакарров 2012 йилда Мирзо-Улугбек туманидаги 27-сонли мактаб, сўнгра 2015 йилда Тошкент авиасозлик касб-хунари коллежини тамомлаб, 2016 йилда Санкт-Петербургдаги Фуқаро авиацияси институтига ўқишга ҳужжат топшириш мақсадида Россияга кетган. 2017 йилнинг 3 июнь куни Москва шаҳри, Голяново тумани ИИБ ходимлари томонидан гиёҳванд моддаси савдоси билан шугулланувчи гумондор сифатида қўлга олинган ва ҳеч қандай исбот ва далилларсиз Преображенск тумани суди томонидан сўроқ қилиниб, 2017 йилнинг 13 декабрида унга нисбатан Россия Федерацияси жиноят кодексининг 30 ва 228-моддалари билан айблов эълон қилиниб ва 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

М.Шакарровнинг онаси Санобар Жумакованинг таъкидлашича, у ўғлининг ноҳақ қамалганиюзасидан ёрдан сўраб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Россия Федерацияси Президенти, Ташқи ишлар вазирлиги, Федерация Бош прокуратураси, ИИБ Москва шаҳар бошқармаси ҳамда Россиянинг инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсманига бир неча бор муносабат қилган. Лекин ушбу муносабатларнинг бирор-

тасига қониқарли жавоб олмаган. Фақат иш Москва шаҳрининг Преображенск тумани суди томонидан қайта кўриб чиқилиб, 2018 йил 14 июнь куни жазо муддати 5 йил қисқартирилган, холос.

Шу ўринда Маъруфжон қамоқда бўлишига қарамасдан, 2018 йилда Россия Федерациясидаги Синергия университетига ўқишга кириб, айна пайтда 2-босқичда таълим олаётганини таъкидлаш жоиз.

ЎзМТДП вакилларининг Маъруфжон билан кўришиши осон кечмади. Ҳатто бир кун аввал учрашув номаълум сабабларга кўра қолдирилгани маълум қилинди. Фақат Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Россия Федерациясидаги элчихонамиз мутасаддилари аралашганидан кейингина учрашувга розилик берилди.

Қамқхона, зах ва қоронғу йўлак... Қайта-қайта текширувлар...

– Йўлга чиқишимизда Партиямиз раҳбари Алишер Қодиров Маъруфжон билан кўришмаганимизга ҳақдор бўлмаслигини қайта-қайта таъкидлаган эди, – дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси биринчи ўринбосари Нодиржон Мухторов. – Ниҳоят, узок уринишлардан сўнг биз Сафонова шаҳарчасидаги 3-сонли жазони ижро этиш муассасасида ватандошимиз билан юзма-юз учрашдик. Маъруфжон бизни кўриб хурсанд бўлди, бироқ айбисиз айбдор бўлгани учунми, юзимизга тик қарашга ботинолмади. Икки гапининг бирида «Ишонинглар, менинг ҳеч қандай айбим йўқ. Айбим уларнинг йўриғига юрмай, ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилганим. Энди ота-онамининг, яқинларимнинг кўзига қандай қарайман. Мен Россияга шу мақсадда келганмидим», деди кўзларига ёш олиб.



– Маъруфжоннинг юз-кўзидан айбисиз экани шундоқ кўриниб турибди, – дейди партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Миродил Абдурахмонов. – Агар у Ўзбекистонда саёқ юриб, бир ишнинг этагини тутмай, Россияда шундай жиноятга аралашиб қолганида тушуниш мумкин эди. Лекин Маъруфжон бу ерга учувчи бўлишни орзу қилиб келган. У китоб ўқиб катта бўлган. Китоб ўқиган одамдан эса жиноятчи чиқмайди. Агар у жиноятчи бўлганида Преображенск тумани суди бир қатор муносабатлардан кейин ишни қайта кўриб чиқиш, жазо муддатини 5 йилга қисқартирармиди? Албатта, йўқ. Чунки гиёҳвандлик савдоси оғир жиноятлар сирасига кирди. Афсуски, бугунги кунда Россияда Маъруфжон каби юзлаб ёшларимиз жиноятга билиб-билмай аралашиб қоляпти.

Яқинда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан «Ташқи меҳнат миграциясининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида оқилоқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда Маъруфжоннинг онаси Санобар Жумакова ҳам иштирок этиб, ўғлининг ноҳақ қамоққа олинганини кўзидан ёш билан гапи-

риб берди.

– Фарзандимнинг ҳали ҳам ўзга юртда қамоқда эканига ишонгим келмайди. Ҳовлимизнинг эшигини ҳанузгача кечаси қулфламайман, Маъруфжоним гўёки бугун кириб келадигандек. Россиядан кимдир ярим кечаси кўнғироқ қилиб, ўғлимнинг ҳозир ҳибсхонада экани, катта миқдорда пул сўраб, агар уни тезроқ етказмасам узок муддатга қамалиб кетиши ҳақидаги гапи қулоғим остидан ҳамон кетмайди, эсласам дир-дир титрайман, – дейди онаиор.

Ҳа, ҳеч бир онанинг бошига бундай кунлар тушмасин.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ҳозирда Маъруфжон масаласида жиддий шугулланмоқда. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан бу масалада учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон Омбудсманни Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан расмий муносабатга киришган. Юртдошимизнинг жазо муддати яқин вақт ичида қисқартирилса ёки бошқа энгилпрогиға алмаштирилса ажаб эмас.

Равшан МАҲМУДОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

ЖАНОБ ДЕПУТАТЛАР! ЖАРИМА МИҚДОРИДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун амалдаги жарималар миқдори билан танишинг:

- ✓ Хавфсизлик камарини тақмаслик: 101 365 сўмдан – 202 730 сўмгача.
- ✓ Телефондан фойдаланиш: 608 190 сўмдан – 1 013 650 сўмгача.
- ✓ Телевизордан фойдаланиш: 202 730 сўмдан – 1 013 650 сўмгача.
- ✓ Тезликни ошириш: 202 730 сўмдан – 3 040 950 сўмгача.
- ✓ Қизил чироқда ўтиш: 405 460 сўмдан – 1 013 650 сўмгача.
- ✓ Тўхтаб туриш қоидаларини бузиш: 608 190 сўмдан – 3 040 950 сўмгача.
- ✓ Транспортни ҳужжатсиз бошқариш: 202 730 сўмдан – 2 027 300 сўмгача.
- ✓ Сўғуртасиз машинани бошқариш: 202 730 сўмдан – 608 190 сўмгача.
- ✓ Носоз транспортдан фойдаланиш: 608 190 сўмдан – 1 013 650 сўмгача.
- ✓ Маст ҳайдовчиға транспортни бериш: 3 040 950 сўм.
- ✓ Мастликни текширишдан бош тортиш: 608 190 сўмдан – 6 081 900 сўмгача.
- ✓ Маст ҳолатда машина ҳайдаш: 5 068 250 сўмдан – 8 109 200 сўмгача.
- ✓ Авариядан кейин қочиш кетиш: 6 081 900 сўм.
- ✓ Пиёдалар йўлакчасидан юриш: 101 365 сўмдан – 810 920 сўмгача.

- ✓ Сигнал ва фара қоидаларини бузиш: 202 730 сўм.
- ✓ Фараларни ойнасимон қорайтириш: 202 730 сўмдан – 405 460 сўмгача.
- ✓ йўлдан ўтиш қоидаларини бузиш: 608 190 сўмдан – 1 013 650 сўмгача.
- ✓ Гуруҳ бўлиб ҳаракат қилиш: 608 190 сўмдан – 1 013 650 сўмгача.
- ✓ Авария ҳолати келтириб чиқариш: 1 013 650 сўмдан – 4 054 650 сўмгача.
- ✓ Ўзганинг транспортга шикаст етказиш: 405 460 сўм.
- ✓ Енгил тан жароҳати етказиш: 1 013 650 сўм.
- ✓ Йўл ва йўл-иншоотларини шикастлаш: 2 027 300 сўмдан – 3 040 950 сўмгача.
- ✓ ДАН ходими талабини бажармаслик: 101 365 – 608 190 сўм.
- ✓ Юк ташини ва шатакка олиш: 1 013 650 сўмдан – 3 040 950 сўмгача.
- ✓ Машинада шахсий бойлик орттириш: 405 460 сўмдан – 1 013 650 сўмгача.
- ✓ Пиёдалар йўл қоидаларини бузиш: 60 819 сўмдан – 608 190 сўмгача.

Жарималар миқдори ўртача 500 минг сўмдан иборат бўлса, бу ўртача ойлик маошининг қанча фоизини ташкил этади?!

Мардон АСЛОНОВ

Статистика

”

Глобаллашаётган дунёда “оммавий маданият”, миллат ўзлиги, миллий ва диний қадриятлар, давлатчиликка таҳдидларнинг ҳар қачонгидан ортиб бораётгани шароитда миллатни миллат сифатида жипслаштирадиган, уни ривожланиш ва тараққиёт сари етаклайдиган Миллий ғоя концепциясини ишлаб чиқишни тоқоза этмоқда.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

Кутинг!



АКМАЛ БУРҲОНОВ
МИЛЛИОН ДАРАХТ
УЧУН ҚАЕРДАН ПУЛ
ОЛДИ? ЁКИ...

Келгуси сонларда

✓ Рўйхатдан ўтган 100 нафар, шогирдлари билан ҳисоблаганда 1 500 хунарманд айнан миллий кўғирчоқлар ясаш билан шугулланяпти.



Миллий ўйинчоқлар қани

20 йилча аввал хориждан кириб келган сатанггина «Barbi» ҳали-ҳануз қизалоқларимизнинг сеvimли овунчоғи бўлиб қолмоқда.

Бир куни кўшним ана шундай кўғирчоқ кўлтиқлаб уйига шошаётган экан. Гап ораси ундан «Шу сатанг кўғирчоқ ўрнига хунармандларимиз ишлаб чиқарган «Зумрадой»ни олиб берсангиз бўлмайdimи?», деб сўрадим. Кўшнимнинг жавоби эса баттар мени ўйга толдирди: «Бозорда миллий ўйинчоқ бормикан? Топиб беринг, сотиб оламиз».

Ҳа, кўшним ҳақ бўлиб чиқди. Бугун ҳам дўконлар пештоқини «Barbi»лар мўри малаҳдек эгаллаган. Миллий кўғирчоқларимизга эса кўзим тушмади. Топилгани ҳам хорижнинг матоҳидан қимматроқ. Хўш, дўконларда миллий кўғирчоқларимиз нега кам? Борлари ҳам нима учун қиммат. Масалага ойдинлик кириштиш мақсадида «Хунарманд»

уюшмаси Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи Шаҳлохон Солиевага бир неча савол билан мурожаат қилдим.

– Андижон вилоятида 5,5 минг хунарманд рўйхатдан ўтган, шогирдлари билан ҳисобласак, 10 минг киши шу соҳада хизмат қиляпти, – деди Шаҳлохон опа. – Миллий кўғирчоқлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам вилоятимиз етакчи. Рўйхатдан ўтган 100 нафар, шогирдлари билан ҳисоблаганда 1,500 хунарманд айнан миллий кўғирчоқлар ясаш билан шугулланяпти.

Андижон шаҳрида, асосан, миллий кўғирчоқлар ясаш билан шугулланувчи Низомиддин Эргозиев 2008 йилдан буён кўғирчоқ ясаш билан шугулланиб келади. Кўғирчоқларни, асосан, оила бекаси Майрамхон опа ясаसा, хонадон бошлиғи Низомиддин ака хомашё топиш ва тайёр маҳсулотни сотиш билан машғул.

Низомиддин аканинг маълум қилишича, беш нафар шогирди билан кунига 8 соат ишланса,

бир ойда 150 дона кўғирчоқ ясайди.

– 2019 йилнинг шу кунига қадар харидор талаби билан Жалақудук, Избоскан, Хонобод, Марҳамат туманлари ҳамда Андижон шаҳридаги 50 га яқин мактабгача таълим муассасасига кўғирчоқларимизни етказиб бердик, – дейди хунарманд. – Вилоят ҳокими томонидан шаҳримиздаги гавжум маскандан дўкон ажратиб берилган ва маҳсулотимизни, асосан, шу ерда сотамиз. Кўғирчоқларимиз қимматлиги сабаби кўл меҳнати билан ясалганида. Хомашё нархи ҳам қиммат. Хитойдан келтириётган «Barbi»лар эса конвейер усулида ишлаб чиқарилади. Дўконларда миллий кўғирчоқларнинг йўқлигини талабнинг камлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ота-оналар миллий кўғирчоқлардан кўра, арзон «Barbi»ни сотиб олмақдалар.

Хунарманд дўконидagi миллий кўғирчоқлар нархи билан қизикдим. Масалан, бўйи 14 сантиметр келадиган, боши-

да дўлписи, эгнида узун атлас кўйлаги, қалин сочлари ўрилган кўғирчоқ нархи 8 минг сўмдан 12 минг сўмгача. Шаҳар дўконларидаги конвейер усулида ишлаб чиқарилган ярим-яланғоч «Barbi»нинг нархи эса баъзи жойда арзон, айримларида қиммат. Бас, шундай экан, Европа «маданияти»ни кўр-кўрона тарғиб қилгандан кўра, фарзандларимизга миллийлигимиз уфуриб турган кўғирчоқларни олиб бериб, уларни қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаганимиз маъқул эмасми?

Албатта, тарбия оиладан бошланиб, мактабгача таълим муассасаларида давом эттирилади. Шу маънода, қизалоқларимизнинг тарбия масканларида қандай ўйинчоқлар ўйнаётгани билан ҳам қизикдим. Афсуски, аксарият мактабгача таълим муассасаларида кўғирчоқларимиз туғул, миллий ўйинчоқларимизни ҳам учратмадик. Борлари ҳам кўрғазмага қўйилган, холос.

«Нега миллий ўйинчоқларимиз йўқ?» деган саволимизга эса тарбиячилар елка қисий билан жавоб қайтардилар.

Мамлакатимизда алоҳида вазирлик ташкил қилиниб, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида хайрли ишлар амалга ошириляётганини барчамиз кўриб турибмиз. Давлат маблағи, хусусий тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан деярли ҳар куни замонавий талабларга жавоб берадиган кенг, шинам, ёруғ мактабгача таълим муассасалари очилляпти. Шундай экан, мактабгача таълим муассасаларининг ҳар бир ходими масъулиятни бўйнига олиб, бўляётган ўзгаришларни юракдан ҳис қилган ҳолда эскича ишладан воз кечиши, тарбияляётган болалар халқнинг фарзанди эканини унутмаслиги лозим.

Камола АБДУВАЛИЕВА,
ЎЗМТДП Андижон вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Банклар ўз «арава»ларини торга оладиларми?

Мутахассисларнинг маълум қилишларича, кейинги йилларда йирик дастурларни молялаштириш учун тижорат банкларига давлат бюджетидан 8,4 триллион сўм, айланма маблағлар учун 400 миллион доллар, устав капитални ошириш учун эса 1,7 миллиард доллар миқдорда маблағ ажратилган. Сўнгги икки йилда давлат ҳисобидан банклар капитализациясини оширишга жами 3,3 миллиард доллар берилган.

Агар хусусий банклар кредит ресурсининг ярмидан кўпини депозитлар ҳисобига шакллантираётган бўлса, давлат банкларига бу кўрсаткич атиги 10 фоизни ташкил этяпти.

Шунингдек, давлат банклари кредит портфелининг ярмидан кўпи 5 та йирик давлат корхонаси ҳиссасига тўғри келаяётганини айтиш жоиз.

Шу ўринда банкларга қўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатли бўлгани ҳолда, кредитларнинг 90 фоизи узоқ муддатга берилган. Айрим банкларда эса жорий харажатлар даромадга нисбатан 60-70 фоизни ташкил этади.

И.ХУДОЁРОВ,
тайёрлади

ҚАРОР ҚАТЪИЙ ЭМАС!

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва вазирлик қошидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш департаменти ҳамда Бухоро ва Қашқадарё вилояти ҳокимликлари диққатига

2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, республикамиздаги маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказди. Натижада, 5 минг 287 объект бўйича далолатномалар тузилиб, 45 мингта фото материал тўпланди. Шунингдек, 827 объектининг умуман йўқлиги, 381 объект эса авария ҳолатида экани хусусида Маданият вазирлигига маълумотнома тақдим қилинди. Ўрганишлар жараёнида «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг объектларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш қоидалари жойларда кўпол равишда бузиляётгани ҳам аниқланди.

Ушбу масала бўйича депутатлик ва парламент назорати ўрнатилган бўлса-да, аммо айрим маданий мерос объектларида тадбиркорлар томонидан миллий қадриятларимизга зид хатти-ҳаракатлар содир этиляётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Шу боис, партия ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирокида Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида қайд этилган ҳолатлар юзасидан ўрганишлар ташкил этилди.

Хусусан, Бухоро шаҳри, М.Анбар кўчаси, 27-уйда жойлашган XIX асрга оид моддий маданий мерос объекти саналган Домла Ҳасан мадрасасидаги ҳолат ўрганилганида, ушбу объектада тадбиркор С.Пўлатов томонидан чилим ҳамда спиртли ичимликлар савдоси йўлга қўйилгани маълум бўлди.

Ишчи гуруҳи томонидан олиб борилган амалий ишлардан кейин айни кунда ушбу объектдан меҳмонхона сифатида фойдаланила бошланди.

Шаҳрисабз шаҳрида ресторанга айлантирилган, бир неча асрлик «Коба» карвонсаройидаги ҳолат хусусида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. Хусусан, яқинда бу ерда ярим-яланғоч қизлар иштирокида

тадбир ўтказилган. Бу эса кенг жамоатчиликнинг кескин эътирозига сабаб бўлган. Ушбу ҳолат бўйича 22 октябрь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан ўрганишлар олиб борилганида тадбиркор В.Содиқов ушбу ресторани «Давр Шароб» савдо корхонасига бир кунга ижарага бергани ва бундай беҳаё рақслар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси юқоридаги ҳолатларни кескин қоралайди.

Маълумки, Конституцияимизнинг 49-моддасида фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурлиги ва маданий ёдгорликлари давлат муҳофазасида экани қатъий белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, партия Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва вазирлик қошидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш департаменти, Бухоро ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигидан ушбу ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар кўришни сўраган.

Шунингдек, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси маданий мерос объектларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш устида иш олиб бораётганини таъкидлаш жоиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Маданият вазирлиги, Дин ишлари қўмитаси, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда тадбиркорлар ўртасида маданий мерос объектларининг тарихи, маънавий-маърифий аҳамияти ва улардан мақсадли фойдаланиш бўйича тарғибот ишларини кучайтирсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Умрбек АЗИЗОВ, журналист



✓ Сайловчи ўзи ишонч билдирган номзоддан кўп нарса кутади, албатта. Депутат эса ана шу ишончни оқлаши, амалий ишлари билан ўзини кўрсатиши лозим.

Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда



Рустам КОМИЛОВ,
Фуқаролик
жамиятини
ривожлантириш
маркази
директори

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар даврида мамлакатни модернизация қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш жараёнида юртимизнинг янги, демократик қиёфаси ҳам яратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросига ҳамоҳанг ҳолда асосий эътибор жамиятда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, очиқлик ва шаффоқликни таъминлашга қаратилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу эса ўз-ўзидан юртимиздаги бешта сиёсий партиянинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Маълумки, кейинги йилларда сиёсий партияларнинг ўз гою ва дастурларини амалга ошириши, тенг ҳуқуқлилиги ва очиқлик асосида ўтадиган барча даражадаги сайловларда иштирок этиши, парламентда фракциялар, маҳаллий вакиллик органларида эса партия гуруҳларини шакллантириш орқали ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи қонунчилик базаси такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг қабул қилиниши эса бу борада янада кенг имкониятлар эшигини очди, дейиш мумкин. Элликдан зиёд мамлакатнинг сайлов қонунчилиги таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган ҳамда сиёсий партияларнинг вакиллари томонидан билдирилган таклифлар ўз ифодасини топган мазкур ҳужжатда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча ҳуқуқий нормалар қамраб олинди.

Демократик янгиланиш жараёнларидаги ўзгаришлар ҳақида гап борганда, кейинги йилларда парламент эшитиш, парламент сўрови, депутатлик сўрови, Сенат аъзосининг сўрови каби парламент назорати шаклларида самарали фойдаланилаётганлиги ва унинг таъсири яққол кўзга ташланаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

«Ҳукумат соати» институтининг киритилиши ҳам бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Натижада парламент қўйи палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.

Аммо шунга қарамай, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида жамият ва давлат манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асослари, унинг барқарор ривожланишига салбий таъ-

сир этиши мумкин бўлган муайян далил ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида парламент назорати шаклларида бири бўлган парламент текшируви институтидан фойдаланиш бўйича ташаббуслар етарли эмаслигини ҳам қайд этиш жоиз.

Зеро, юртдошларимиз ўз вакилини сайлаган депутатидан янгидан-янги ташаббуслар, мавжуд муаммоларнинг ечимини кутишга ҳақли. Юртдошларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётганидан келиб чиқиб шунга айтиш мумкинки, эндиликда сиёсий партияларнинг халқ ишончини қозонишлари учун қоғоздаги ваъдалари эмас, реал натижалар талаб этилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида ҳам «барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш керак. Бу жараёнда ҳам рақамлар кетидан қувиш амалиётидан воз кечиш лозим. Қоғозда юзлаб масалаларни ҳал қилгандан кўра, амалда бир нечта муаммони ҳал қилиб берсангиз, одамлар сизлардан рози бўлади», дея таъкидланган эди.

Юқорида қайд этилганидек, айна пайтда сиёсий партияларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шароитлар яратиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий пар-



22 ДЕКАБРДА

бўлиб ўтадиган сайловлар сиёсий партиялар учун нафақат синов, шу билан бирга келгуси беш йилликда давлат ва жамият тақдирига дахлдор бўлган ўзгаришларни амалга оширишда фаол иштирок этиш имконияти ҳамдир.

тияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар асосида сиёсий институтларимизнинг тўлақонли фаолият юритишлари учун шарт-шароит яратилган.

Бошқача айтганда, сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиб, сайловчини, аҳолини рози қилиши, инсон манфаатлари устуворлигини барча соҳаларда таъминлаши учун зарур имкониятларга эгалар.

Одатда, партиялар фаоллашуви асосан сайловолди кампанияси даврида авж олади. 22 декабрда бўлиб ўтадиган сайловлар сиёсий партиялар учун нафақат синов, шу билан бирга келгуси беш йилликда давлат ва жамият тақдирига дахлдор бўлган ўзгаришларни амалга оширишда фаол иштирок

этиш имконияти ҳамдир. Бунда ҳозирги босқич, яъни сайлов кампанияси жараёни қай даражада ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бу йилги сайловлар Ўзбекистон тарихида илк бор Сайлов кодекси асосида ўтказилади. Мазкур кодексга олдинги сайловларга нисбатан бир қанча янгилик ва ўзгаришлар киритилган. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши (олдинги сайловларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган), Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун ажратилган 15 депутатлик ўрни учун квота бекор қилиниб, 150 ўрин учун бешта сиёсий партия курашиши, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилиши, сайловчиларнинг сайловда иштирок этиши учун бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги тўғрисидаги марралар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, кодексда овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича баённоманинг кучирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига қамда қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилиши каби қоидалар белгилангани бешта сиёсий партиянинг сайловчилар овози учун жуда қизгин рақобатни юзага келтиради.

Маълумки, шу кунларда сиёсий партиялар олий ор-

ганларининг йиғилишлари ўтказилапти. Уларда сайловолди дастурлари тасдиқланиб, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилаяпти. Зеро, сиёсий партиянинг эртанги кун кўп жиҳатдан унда фолият юритаётган кадрлар ва партиядан сайланган депутатларнинг салоҳиятига боғлиқ. Шу боис, муносиб номзодлар билан сайловларда иштирок этиш ва айниқса, парламентда кўпчилик ўринини эгаллаш ҳар қандай партия учун олий мақсаддир.

Сайловчи ўзи ишонч билдирган номзоддан кўп нарса кутади, албатта. Депутат эса ана шу ишончни оқлаши, амалий ишлари билан ўзини кўрсатиши лозим. Шундагина, ҳар бир юртдошимиз Президентимиз таъкидлаганларидек, «ҳаётдаги ўзгаришларни билади ва давлат ҳокимияти тизимида таъкидлаш ҳам ўз вакили борлигини сезади».

Хулоса ўрнида шунга айтиш жоизки, «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори остида ўтадиган бу йилги сайловларда сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига ташвиқот учун барча қонуний шароитлар яратиб берилмоқда. Албатта, сайлов кампаниясини қандай ташкил этиш ва ўтказиш сиёсий партияларнинг салоҳияти ва иқтидорларига боғлиқ. Яъни, эртанги натижа бугунги меҳнат маҳсули бўлади. Шу ўринда энг муносиб номзодларнинг сайланишидан нафақат сиёсий партиялар, шу билан бирга сайловчи ва охир-оқибат жамият ҳам манфаатдор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кутинг!



Ўзхдп аъзоси МАҚСУДА
ВОРИСОВАНИНГ РОССИЯ
КОММУНИСТЛАР ПАРТИЯСИ
ЕТАКЧИСИ ГЕННАДИЙ ЗЮГАНОВГА

ҚАНДАЙ «ҚАРИНДОШ» ЛИГИ БОР?

Келгуси сонларда

Иқтибос

Буюк немис файласуфи Ёханн Волфганг Гёте бундай деб ёзган:

«Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган барча салтанату бойлик, қасрлари саройлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ямоқ яқтакларига ҳам арзимас экан...

Биз Европа миллатлари, маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Муҳаммад алайҳиссалом сўнги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллапоясидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса у зотдан юқориқоққа ўта олмайди».



Сайлов даваат учун ҳокимиятни шакллантириш, янгиланиш механизми бўлса, алоҳида шахс, фуқаро учун ҳуқуқдир.

Сайлов қаерда, қандай ўтади?



Сайловга старт берилганидан кейин таҳририятга кўплаб ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушмоқда. Шу боис мурожаатларни жамлаб мазкур руни остида жавоб беришга қарор қилдик. Мурожаатларга «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори Акмал РАҲМОНОВ жавоб беради.



Сайловларнинг янгича тарзда ўтказилиши ўзига хос даврга тўғри келмоқда. Бу давр Ўзбекистонда шарқ ва ғарб демократиясининг тажрибалари уйғунлашган жараён шакллангани билан ажралиб туради. Чунончи, шарқ демократиясидаги инсонни улугвор билиш, сиёсий вазминлик, масъулиятни ҳис этиш ва фидойилик кўрсатиш каби қадриятлар ҳамда ғарб демократиясининг ошқоралик, ўз-ўзини танқид қилиш каби жиҳатларининг бирлашиши сайлов ҳуқуқи ва амалиётининг янада такомиллашуви-ни таъминламоқда.

– Акмал Эргашевич, «сайлов» тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари хусусида тушунча берсангиз?

– Демократик сайловлар ҳар қандай жамият тараққиётига янги куч берувчи омил саналади. Одатда, «сайлов» тушунчаси бирор бир орган, тузилма, масалан, давлат ҳокимиятининг вакиллик ёки жамоатчилик органи, унинг мансабдор шахсларини овоз бериш йўли билан шакллантириш усулини англатади. Умуман олганда, сайловлар ўз мазмунига кўра, давлат ҳокимияти вакиллари, жамоат бирлашмаларининг раҳбар органларини сайлаш тартиби, демакдир.

Сайлов давлат учун ҳокимиятни шакллантириш, янгиланиш механизми бўлса, алоҳида шахс, фуқаро учун ҳуқуқдир. Шу боис, сайлов ҳуқуқи атамаси кўп ишлатилади. Бироқ бунда биз унинг икки жиҳатига эътибор қаратишимиз лозим. Яъни «сайлов ҳуқуқи» ибораси икки маънода қўлланилади. Биринчидан, сайлов ҳуқуқи – сайланадиган давлат органларини шакллантириш тартибини белгилувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари, одатда, консти-

туция, кодекс ва сайловлар ҳақидаги қонунларда мустаҳкамлаб қўйилади. Масалан, Конституциямизнинг 117-моддаси айнан сайлов тизимига бағишланган. Шунингдек, жорий йилда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ҳам бевосита сайлов ҳуқуқини тартибга солишчи қонун ҳисобланади.

Демак, бу ерда сайлов ҳуқуқи конституциявий-ҳуқуқий нормалар йиғиндиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг муҳим таркибий қисми, унинг муҳим институти ҳисобланади. Сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларининг сайлов натижасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

Сайлов тизими муайян принциплар асосида бунёд этилади. Сайлов тизимининг халқаро тан олинган бир нечта принциплари мавжуд. Улар сайлов тизимининг мамлакат Конституциясига тўла асосланиши, давлат ҳокимиятининг легитимлиги (қонунийлиги), сайлов тизими тартиботлари ва ва-

зифаларининг қонунийлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги, сайлов тизимининг демократиклиги, фуқароларнинг, сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда сайлов тизимининг барқарорлик, тараққиёт, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилганлиги каби тамойиллардан иборат.

Сайлов тизимининг халқчиллиги, барча фуқаролар учун тушунарли ва қўлай бўлиши, уюшганлиги, конституциявийлиги, ҳуқуқийлиги, суд назорати ва қонун асосида бошқарилиши ҳамда мазкур тизимнинг тежамли бўлиши ҳамда овоз бериш ва сайланишнинг зиддиятсиз, унинг учун етарли бўлган натижаларни олишга кафолат яратилиши шулар жумласидандир.

– Сайловлар қаерда ва қандай тартибда ўтказилиши ҳақида ҳам маълумот берсангиз?

– Сайлов дунёнинг айрим мамлакатларида мажоритар, баъзи жойларда пропорционал ва аралаш тизим асосида ўтади.

Мажоритар сайлов тизими деганда (французча «мажоритар» кўпчилик маъносини англатади), вакиллик органларига сайловларда

овоз бериш натижасини аниқлаш тушунилади. Мажоритар сайлов тизимида кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Кам овоз олган номзодлар учун берилган сайловчилар овози «йўқолиб кетади». Масалан, Ҳиндистон, Буюк Британия, АҚШ, Мексика ва бошқа давлатларда мажоритар сайлов тизими мавжуд.

Пропорционал сайлов тизими – овоз бериш натижаларини аниқлашнинг нисбатан мураккаб тури бўлиб, бунда мандатлар ўз номзодларини вакиллик органларига қўйган партиялар ўртасида, улар олган овозлар сонига мосравишда тақсимланади. Йирик сайлов округлари тўзилиб, уларда ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини илгари суради. Овоз бериш натижаларини аниқлаш учун зарур бўлган овозларнинг кўпчилиги 4-5 фоизлик энг кам миқдор ўрнатилади. Сиёсий партиядан қўйилган номзодлар ана шу белгиланган овозларни олганидан кейингина ўз мандатларини тақсимлаш жараёнида иштирок этади. Сайловчилар берган овозлар аввал депутатлик ўринларининг сонига бўлинади. Натижада, битта мандат учун берилган овозлар сони

маълум бўлади. Сўнг ҳар бир партия олган овозлар алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Бу қиймат депутатнинг бир мандати учун зарур бўлган овозлар сонига бўлинади. Натижада, мазкур партияга берилган депутатлик ўринларининг сони келиб чиқади. Пропорционал сайлов тизими Испания, Польша, Австрия, Дания ва бошқа мамлакатларда қўлланилади.

Аралаш сайлов тизимида эса мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг элементлари акс этади. Масалан, Германия Бундестагига сайловларда аралаш сайлов тизimini кўриш мумкин. Бундестаг депутатларининг ярми бутун мамлакат ҳудудини қамраб олган бир мандатли сайлов округларида нисбатан кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизим, иккинчи ярми эса, кўп мандатли сайлов округлари ҳисобланган федерация субъектларида сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган номзодлар рўйхати, яъни пропорционал тизим асосида сайланади.

– Ўзбекистон сайлов тизimini бошқалар ўрнак олишга арзигулки қандай жиҳатлари бор?
– Мамлакатимизда ҳам

Мамлакатимизда сайловлар ўтказилиши шаклланиши сиёсий анъаналари, амалиёти ҳамда ўзига хос жиҳатлари, аҳолининг сиёсий тайёргарлик даражаси ва менталитети ҳисобга олиниб, парламентимизга бўладиган сайловларнинг ҳуқуқий асосини белгилувчи қонунларни мажоритар тизим асосида ишлаб чиқиш лозим, деб топилди.

Сайлов қонунчилигининг халқаро андозалар ва умум-этироф этилган принциплар асосида такомиллаштирилиши қуйидаги икки ўзаро узвий вазифани ҳал этади. Яъни мамлакатимиз фуқароларининг муҳим сиёсий ҳуқуқини реал таъминлаш механизми ҳамда кафолатларини вужудга келтириш, давлатимиз ички қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш орқали Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши ва халқаро ҳамжамият кўз ўнгига нуфузи юксак бўлишини таъминлайди.

«Milliy tiklanish»
мухбири
Дилфуза МАҲҚАМОВА
суҳбатлашди.



Шерзод ШЕРМАТОВ:
«Бирорта битирувчиси
ОТМга киролмаган
мактаблар биринчи
навбатда аттестация ва
аккредитациядан ўтади»

Бу ҳақда халқ таълими вазири Шерзод Шерматов маълум қилди.

Вазирнинг сўзларига кўра, ушбу мактаблар кейинги йил биринчи бўлиб аттестация ва аккредитациядан ўтади.

Маълум қилинишича, Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги 61 та мактабдан давлат гранти асосида 61 нафар ўқувчи ОТМга кирган бўлса, уларнинг 25 нафарини 15-мактаб битирувчилари ташкил этган.

61 та мактабнинг 8 тасида бирорта битирувчи ОТМга кирмаган. Ушбу тумандаги 15 ва қолган 8 та мактаб ҳам давлатдан бир хил маблағ олади. Лекин 15-мактабда 25 нафар битирувчи давлат гранти асосида ўқишга кирган. Бу эса 138 ўқувчининг 38 нафар битирувчиси ОТМга кирган, деганидир. Туманда эса жами 225 нафар йигит-қиз ўқишга кирган.

Она тилим, 30 ёшинг муборак!

Маълумки, ҳар қандай халқ, миллат равнақи, аввало, ана шу халқ тилининг мавқеи билан ўлчанади. Тил нафақат муомала воситаси, балки аҳоли маданияти, урф-одати, турмуш тарзи ва тарихи ҳамдир. Уни асраб-авайлаш, бойитиш, нуфузини янада ошириш ҳар бир оюртдошимизнинг муқаддас бурчи, албатта. Шу маънода, 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимиз ҳаётидаги унутилмас, воқеа бўлди. Таъкидлаш лозим, бу халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги энг муҳим қадам сифатида ҳам баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан кейин эса мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ушбу фармон ижроси доирасида маданий кечалар, байрам тадбирлари, давра суҳбатлари, турли танловлар ўтказилди.

Хусусан, Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 165-умутаълим мактабда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганга 30 йил тўлиши муносабати билан «Она тилим, 30 ёшинг муборак!» мавзусида катта байрам тадбири ташкил қилинди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олимлар, сиёсатшунослар ҳамда депутатлар иштирок этди.

Мазкур мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Маҳфуза Абдураҳмонованинг таъкидлашича, дунёдаги энг қадимий тиллардан бири бўлган ўзбек

тили, энг аввало, халқимиз учун бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятимиз тимсоли ҳам ҳисобланади. – Мамлакатимизда она тилимизнинг ўрни ва нуфузини янада ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти, – дейди М.Абдураҳмонова. Биргина Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама риwoжлантириш ва қўллаш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди. Ҳудудларимизда атоқли аллома ва адибларимиз номлари билан аталган ижод мактабларининг барпо этилиши ҳам бу йўлдаги эзгу ишларнинг манткий давоми бўлди.

Кечада ўқувчиларга ўзбек тилининг тарихи ва бугуни ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар ҳам берилди. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ўзбек тили бўйича саводхонлиги даражасини аниқлашга қаратилган «Тил бойлиги – эл бойлиги», «Миллий қадриятлар – муқаддас», «Она тили ва



адабиёти билимдонлари беллашуви», «Тил борки, миллат ўлмайди» мавзуларида қизиқарли ўйинлар ҳам уюштирилди.

– Ўқувчиларнинг тилимизга бўлган меҳрини янада ошириш билан бирга уларнинг қалбига маданий меросимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигини ҳам сингдириб боряпмиз, – дейди олий тоифали педагог Гулбахор Давлетова. – Чунки бундай эзгу туйғулар ёшларимизни инсонийлик, ватанпарварлик, олижаноблик руҳида ўстиришга ёрдам беради ва бунда она тилимизнинг ўрни беқиёсдир.

Шу ўринда ушбу мактаб ўқувчиларининг мамлакатимиз, Тошкент шаҳри ва туман миқё-

сида ўтказилаётган фан олимпиадаларида мунтазам қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келаётганлари, бунда тил ва адабиёт фани ўқитувчилари ташаббуси муҳим ўрин тутаётганини таъкидлаш жоиз. Мактабда «Ёш тилшунос», «Ёш адабиётшунос», «Ўзбек тилини ўрганаман», «Ёш қаламкашлар», «Нутқ маданияти» каби тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳам ўқувчиларнинг ўзбек тилининг жозибаси, гўзаллиги ва бетақорорлигини янада кенгроқ ўзлаштиришига ёрдам бермоқда.

Раҳимқул
МАҲАММАДИЕВ,
ЎЗМТДП Олмазор туман
кенгаши раиси



2017-yilning 3-iyun kuni Moskva shahri, Golyanovo tumani IIB xodimlari tomonidan giyohvand moddasi savdosi bilan shug'ullanuvchi gumondor sifatida qo'lga olingan.

Kontrakt to'lov muddati uzaytirildi



O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligidan olingan ma'lumotlarga ko'ra, talabalar uchun kontrakt to'lash muddati uzaytirildi. O'zbekiston Respublikasi ta'lim muassasalariga o'qishga qabul qilish bo'yicha Davlat komissiyasining joriy yil 21-oktyabrda bayoni bilan ko'pchilik abituriyentlar va ularning ota-onalari hamda OTMLar rektorlarining murojaatlarini inobatga olib, 2019/2020 o'quv yilida OTMLar bakalavriatiga to'lov-kontrakt asosida talabalikka tavsiya etilgan (shu jumladan, tabaqalashtirilgan to'lov-kontrakt asosida o'qish istagini bildirgan) abituriyentlar, o'qishi ko'chirilgan va qayta tiklangan talabalar o'qishi uchun to'lov haqini o'tkazish hamda talabalar safiga qabul qilishni rasmiylashtirishning so'nggi muddati 2019-yilning 20-noyabr etib belgilandi.

O'ZA

Musofirlik alami

yo'xud Rossiyada nohaq qamalgan yurtdoshimiz bilan yuzma-yuz uchrashuv

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi faollarining Rossiyaning Novosibirsk hamda Smolensk viloyatlarida bo'lib, bir qator loyihalarni amalga oshirgani haqida ma'lumot bergan edik. Xususan, partiya tashabbusi bilan "Davlat tili haqida"gi qonun qabul qilinganiga 30 yilligi munosabati bilan Novosibirsk Davlat ommaviy, ilmiy-texnik kutubxonasida "O'zbek tilidagi adabiyotlar bo'limi" ochildi. Shuningdek, partiya faollari Rossiyaning bir qator hududlarida bo'lib, 400 nafarga yaqin vatandoshlarimiz bilan uchrashib, ularning yashash va ishlash sharoitlarini o'rganishdi.

Rossiya safaridan ko'zlangan yana bir maqsad ayni paytda Smolensk viloyati, Safonova shaharchasidagi 3-sonli jazoni ijro etish muassasasida hibsdan saqlanayotgan o'zbekistonlik Ma'rufjon Shakarov bilan uchrashish edi.

Avvalo, Ma'rufjon Shakarov haqida qisqacha ma'lumot bersak.

Toshkent viloyatining Bekobod tumanida tug'ilgan Ma'rufjon Shakarov 2012-yilda Mirzo Ulug'bek tumanidagi 27-sonli maktab, so'ngra 2015-yilda Toshkent aviasozlik kasb-hunar kollejini tamomlab, 2016-yilda Sankt-Peterburg shahridagi Fuqaro aviatsiyasi institutiga o'qishga hujjat topshirish maqsadida Rossiyaga ketgan. 2017-yilning 3-iyun kuni Moskva shahri, Golyanovo tumani IIB xodimlari tomonidan giyohvand moddasi savdosi bilan shug'ullanuvchi gumondor sifatida qo'lga olingan va hech qanday isbot va dalillarsiz Preobrajensk tumani sudi tomonidan so'roq qilinib, 2017-yilning 13-dekabrida unga nisbatan Rossiya Federatsiyasi jinoyat kodeksining 30- va 228-moddalari bilan ayblov e'lon qilindi va 10 yil muddatga ozodlikdan mahrum etilgan.

M.Shakarovning onasi Sanobar Juma-kovaning ta'kidlanishicha, u o'g'lining nohaq qamalgan yuzasidan yordam so'rab, O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi Konsullik boshqarmasi boshlig'i, Oliy Majlisning Inson huquqlari bo'yicha vakili (Ombudsman), Rossiya Federatsiyasi Prezidenti, Tashqi ishlar vazirligi, Federatsiya Bosh prokuraturasi, IIV Moskva shahar boshqarmasi hamda Rossiyaning inson huquqlari bo'yicha Ombudsmaniga bir necha bor murojaat qilgan. Lekin ushbu muro-

jaatlarning birortasiga qoniqarli javob olmagan. Faqat ish Moskva shahrining Preobrajensk tumani sudi tomonidan qayta ko'rib chiqilib, 2018-yil 14-iyun kuni jazo muddati 5 yil qisqartirilgan, xolos.

Shu o'rinda Ma'rufjon qamoqda bo'lishiga qaramasdan, 2018-yilda Rossiya Federatsiyasidagi Sinergiya universitetiga o'qishga kirib, ayni paytda 2-bosqichda ta'lim olayotganini ta'kidlash joiz.

O'zMTDP vakillarining Ma'rufjon bilan ko'rishishi oson kechmadi. Hatto bir kun avval uchrashuv noma'lum sabablarga ko'ra qoldirilgani ma'lum qilindi. Faqat O'zbekiston Tashqi ishlar vazirligi hamda Rossiya Federatsiyasidagi elchixonamiz mutasaddilari aralashganidan keyingina uchrashuvga rozilik berildi.

Qamoqxona, zax va qorong'u yo'lak... Qayta-qayta tekshiruvlar...

Yo'lga chiqishimizda Partiyamiz rahbari Alisher Qodirov Ma'rufjon bilan ko'rishmagunimizgacha xotirjam bo'lmasligini qayta-qayta ta'kidlagan edi, - deydi O'zMTDP Markaziy kengashi raisi birinchi o'rinbosari Nodirjon Muxtorov. - Nihoyat, uzoq urinishlardan so'ng biz Safonova shaharchasidagi 3-sonli jazoni ijro etish muassasasida vatandoshimiz bilan yuzma-yuz uchrashdik. Ma'rufjon bizni ko'rib xursand bo'ldi, biroq aybsiz aybdor bo'lgani uchunmi, yuzimizga tik qarashga botinilmadi. Ikki gapining birida "Ishoninglar, mening hech qanday aybim yo'q. Aybim ularning yo'rig'iga yurmay, haq-huquqimni talab qilganim. Endi ota-onamning, yaqinlarimning ko'ziga qanday qarayman. Men



Rossiyaga shu maqsadda kelganmidim", dedi ko'zlariga yosh olib.

Ma'rufjonning yuz-ko'zidan aybsiz ekani shundoq ko'rinib turibdi, - deydi partiya Markaziy kengashi raisi o'rinbosari Mirodil Abdurahmonov. - Agar u O'zbekistonda sayoq yurib, bir ishning etagini tutmay, Rossiyada shunday jinoyatga aralashib qolganida tushunish mumkin edi. Lekin Ma'rufjon bu yerga uchuvchi bo'lishni orzu qilib kelgan. U kitob o'qib katta bo'lgan. Kitob o'qigan odamdan esa jinoyatchi chiqmaydi. Agar u jinoyatchi bo'lganida Preobrajensk tumani sudi bir qator murojaatlardan keyin ishni qayta ko'rib chiqib, jazo muddatini 5 yilga qisqartirarmidi? Albatta, yo'q. Chunki giyohvandlik savdosi og'ir jinoyatlar sirasiga kirdi. Afsuski, bugungi kunda Rossiyada Ma'rufjon kabi yuzlab yoshlarimiz jinoyatga bilib-bilmay aralashib qolyapti.

Yaqinda O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi Markaziy kengash, Oliy Majlis Qonunchilik palatasidagi fraksiyasi tashabbusi bilan "Tashqi mehnat migratsiyasining huquqiy asoslarini takomillashtirish: muammo va yechimlar" mavzusida ochiq muloqot bo'lib o'tdi. Unda Ma'rufjonning onasi Sanobar Jumakova ham ishtirok

etib, o'g'lining nohaq qamoqqa olinganini ko'zida yosh bilan gapirib berdi.

Farzandimning hali ham o'zga yurtda qamoqda ekaniga ishongim kelmaydi. Hovlimizning eshigini hanuzgacha kechasi qullamayman, Ma'rufjonim go'yoki bugun kirib keladigandek. Rossiyadan kimdir yarim kechasi qo'ng'iroq qilib, o'g'limning hozir hibsdan ekani, katta miqdorda pul so'rab, agar uni tezroq yetkazmasam uzoq muddatga qamalib ketishi haqidagi gapi qulog'im ostidan hamon ketmaydi, eslasam dir-dir titrayman, - deydi onaizor.

Ha, hech bir onaning boshiga bunday kunlar tushmasin.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi Markaziy kengashi hozirda Ma'rufjon masalasida jiddiy shug'ullanmoqda. Oliy Majlisning Inson huquqlari bo'yicha vakili (ombudsman) bilan bu masalada uchrashuvlar o'tkazildi. O'zbekiston Ombudsmani Rossiya Federatsiyasining Inson huquqlari bo'yicha vakili bilan rasmiy munosabatga kirishgan. Yurtdoshimizning jazo muddati yaqin vaqt ichida qisqartirilsa, yoki boshqa yengilroq'iga almashtirilsa, ajab emas.

Ravshan MAHMUDOV,
"Milliy tiklanish" muxbiri

JANOBI DEPUTATLAR! JARIMA MIQDORIDAN XABARINGIZ BORMI?

Yo'l harakati qoidalarini buzganlik uchun amaldagi jarimalar miqdori bilan tanishing:

- ✓ Xavfsizlik kamarini taqmaslik: 101 365 so'mdan - 202 730 so'mgacha.
- ✓ Telefondan foydalanish: 608 190 so'mdan - 1 013 650 so'mgacha.
- ✓ Televizordan foydalanish: 202 730 so'mdan - 1 013 650 so'mgacha.
- ✓ Tezlikni oshirish: 202 730 so'mdan - 3 040 950 so'mgacha.
- ✓ Qizil chiroqda o'tish: 405 460 so'mdan - 1 013 650 so'mgacha.
- ✓ To'xtab turish qoidasini buzish: 608 190 so'mdan - 3 040 950 so'mgacha.
- ✓ Transportni hujjatsiz boshqarish: 202 730 so'mdan - 2 027 300 so'mgacha.
- ✓ Sug'urtasiz mashinani boshqarish: 202 730 so'mdan - 608 190 so'mgacha.
- ✓ Nosoz transportdan foydalanish: 608 190 so'mdan - 1 013 650 so'mgacha.
- ✓ Mast haydovchiga transportni berish: 3 040 950 so'm.
- ✓ Mastlikni tekshirishdan bosh tortish: 608 190 so'mdan - 6 081 900 so'mgacha.
- ✓ Mast holatda mashina haydash: 5 068 250 so'mdan - 8 109 200 so'mgacha.
- ✓ Avariya keyin qochib ketish: 6 081 900 so'm.
- ✓ Piyodalar yo'lakhasidan yurish: 101 365 so'mdan - 810 920 so'mgacha.

- ✓ Signal va fara qoidasini buzish: 202 730 so'm.
- ✓ Faralarni oynasimon qoraytirish: 202 730 so'mdan - 405 460 so'mgacha.
- ✓ Temir yo'ldan o'tish qoidasini buzish: 608 190 so'mdan - 1 013 650 so'mgacha.
- ✓ Guruh bo'lib harakat qilish: 608 190 so'mdan - 1 013 650 so'mgacha.
- ✓ Avariya holati keltirib chiqarish: 1 013 650 so'mdan - 4 054 650 so'mgacha.
- ✓ O'zganing transportiga shikast yetkazish: 405 460 so'm.
- ✓ Yengil tan jarohati yetkazish: 1 013 650 so'm.
- ✓ Yo'l va yo'l-inshootlarini shikastlash: 2 027 300 so'mdan - 3 040 950 so'mgacha.
- ✓ DAN xodimi talabini bajarmaslik: 101 365 - 608 190 so'm.
- ✓ Yuk tashish va shatakka olish: 1 013 650 so'mdan - 3 040 950 so'mgacha.
- ✓ Mashinada shaxsiy boylik orttirish: 405 460 so'mdan - 1 013 650 so'mgacha.
- ✓ Piyodalar yo'l qoidasini buzish: 60 819 so'mdan - 608 190 so'mgacha.

Jarimalar miqdori o'rtacha 500 ming so'mdan iborat bo'lsa, bu o'rtacha oylik maoshining qancha foizini tashkil etadi?!

Mardon Aslonov

Statistika

Kuting!

”

Globalashayotgan dunyoda "ommaviy madaniyat", millat o'zligi, milliy va diniy qadriyatlar, davlatchilikka tahdidlarning har qachongidan ortib borayotgani bir sharoitda millatni millat sifatida jiplashtiradigan, uni rivojlanish va taraqqiyot sari yetaklaydigan Milliy g'oya konsepsiyasini ishlab chiqishni taqozo etmoqda.

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK
PARTIYASINING SAYLOVOLDI DASTURIDAN



AKMAL BURXONOV
1 MILLION DARAXT
UCHUN QAYERDAN
PUL OLDI? YOKI...

Kelgusi sonlarda



Ro'yxatdan o'tgan 100 nafar, shogirdlari bilan hisoblaganda 1 500 hunarmand aynan milliy qo'g'irchoqlar yasash bilan shug'ullanyapti.



Milliy o'yinchoqlar qani

20 yilcha avval xorijdan kirib kelgan satanggina "Barbi" hali-hanuz qizaloqlarimizning sevimli ovunchog'i bo'lib qolmoqda.

Bir kuni qo'shnim ana shunday qo'g'irchoq qo'ltiqib uyiga shoshayotgan ekan. Gap orasi undan "Shu satang qo'g'irchoq o'rniga hunarmandlarimiz ishlab chiqargan «Zumradoy»ni olib bersangiz bo'lmaydimi?", deb so'radim. Qo'shnimning javobi esa battar meni o'yg'a toldirdi: "Bozorda milliy o'yinchoq bormikan? Topib bering, sotib olamiz".

Ha, qo'shnim haq bo'lib chiqdi. Bugun ham do'konlar peshtoqini "Barbi"lar mo'ri malaxdek egalagan. Milliy qo'g'irchoqlarimizga esa ko'zim tushmadi. Topilgani ham xorijning matohidan qimmatroq. Xo'sh, do'konlarda milliy qo'g'irchoqlarimiz nega kam? Borlari ham nima uchun qimmat.

Masalaga oydinlik kiritish maqsadida "Hunarmand"

uyushmasi Andijon viloyat boshqarmasi boshlig'i Shahloxon Soliyevaga bir necha savol bilan murojaat qildim.

– Andijon viloyatida 5,5 ming hunarmand ro'yxatdan o'tgan, shogirdlari bilan hisoblasak, 10 ming kishi shu sohada xizmat qilyapti, – dedi Shahloxon opa. – Milliy qo'g'irchoqlar ishlab chiqarish bo'yicha ham viloyatimiz yetakchi. Ro'yxatdan o'tgan 100 nafar, shogirdlari bilan hisoblaganda 1500 hunarmand aynan milliy qo'g'irchoqlar yasash bilan shug'ullanyapti.

Andijon shahrida, asosan, milliy qo'g'irchoqlar yasash bilan shug'ullanuvchi Nizomiddin Erg'oziyev 2008-yildan buyon qo'g'irchoq yasash bilan shug'ullanib keladi. Qo'g'irchoqlarni, asosan, oila bekasi Mayramxon opa yasasa, xonadon boshlig'i Nizomiddin aka xomashyo topish va tayyor mahsulotni sotish bilan mashg'ul.

Nizomiddin akaning ma'lum qilishicha, besh nafar shogirdi

bilan kuniga 8 soat ishlansa, bir oyda 150 dona qo'g'irchoq yasaydi.

– 2019-yilning shu kuniga qadar xaridor talabi bilan Jalaquduq, Izboskan, Xonobod, Marhamat tumanlari hamda Andijon shahridagi 50 ga yaqin maktabgacha ta'lim muassasasiga qo'g'irchoqlarimizni yetkazib berdik, – deydi hunarmand. – Viloyat hokimi tomonidan shahrimizdagi gavjum maskandan do'kon ajratib berilgan va mahsulotimizni, asosan, shu yerda sotamiz. Qo'g'irchoqlarimiz qimmatligi sababi qo'l mehnati bilan yasalganida. Xomashyo narxi ham qimmat. Xitoydan keltirilayotgan "Barbi"lar esa konveyer usulida ishlab chiqariladi. Do'konlarda milliy qo'g'irchoqlarning yo'qligini talabning kamligi bilan ham izohlash mumkin. Ota-onalar milliy qo'g'irchoqlardan ko'ra, arzon "Barbi"ni sotib olmoqdalar.

Hunarmand do'konidagi milliy qo'g'irchoqlar narxi bilan qiziqdim. Masalan, bo'yi 14 santimetr keladigan, boshida do'ppisi, egnida

uzun atlas ko'ylagi, qalin sochlari o'rilgan qo'g'irchoq narxi 8 ming so'mdan 12 ming so'mgacha. Shahar do'konlaridagi konveyer usulida ishlab chiqarilgan yarim-yalang'och "Barbi"ning narxi esa ba'zi joyda arzon, ayrimlarida qimmat. Bas, shunday ekan, Yevropa "madaniyati"ni ko'r-ko'rona targ'ib qilgandan ko'ra, farzandlarimizga milliylikimiz ufurib turgan qo'g'irchoqlarni olib berib, ularni qadriyatlarimiz va urf-odatlarimiz ruhida tarbiyalaganimiz ma'qul emasmi?

Albatta, tarbiya oiladan boshlanib, maktabgacha ta'lim muassasalarida davom ettiriladi. Shu ma'noda, qizaloqlarimizning tarbiya maskanlarida qanday o'yinchoqlar o'ynayotgani bilan ham qiziqdim. Afsuski, aksariyat maktabgacha ta'lim muassasalarida qo'g'irchoqlarimiz tugul, milliy o'yinchoqlarimizni ham uchratmadik. Borlari ham ko'rgazmaga qo'yilgan, xolos. "Nega milliy o'yinchoqlarimiz

yo'q?" degan savolimizga esa tarbiyachilar yelka qisish bilan javob qaytardilar.

Mamlakatimizda alohida vazirlik tashkil qilinib, maktabgacha ta'lim muassasalari faoliyatini tubdan isloh qilish borasida xayrli ishlar amalga oshirilayotganini barchamiz ko'rib turibmiz. Davlat mablag'i, xususiy tadbirkorlar sa'y-harakati bilan deyarli har kuni zamonaviy talabarga javob beradigan keng, shinam, yorug' maktabgacha ta'lim muassasalari ochilyapti. Shunday ekan, maktabgacha ta'lim muassasalarining har bir xodimi mas'uliyatni bo'yniga olib, bo'layotgan o'zgarishlarni yurakdan his qilgan holda eskicha ishlashdan voz kechishi, tarbiyalayotgan bolalar xalqning farzandi ekanini unutmasligi lozim.

Kamola ABDUVALIYEVA,
O'zMTDP Andijon viloyat kengashi Matbuot xizmati rahbari

Banklar o'z "arava"larini torta oladilarmi?

Mutaxassislarining ma'lum qilishlaricha, keyingi yillarda yirik dasturlarni moliyalashtirish uchun tijorat banklariga davlat byudjetidan 8,4 trillion so'm, aylanma mablag'lar uchun 400 million dollar, ustav kapitalini oshirish uchun esa 1,7 milliard dollar miqdorida mablag' ajratilgan. So'nggi ikki yilda davlat hisobidan banklar kapitalizatsiyasini oshirishga jami 3,3 milliard dollar berilgan.

Agar xususiy banklar kredit resursining yarmidan ko'pini depozitlar hisobiga shakllantirayotgan bo'lsa, davlat banklarida bu ko'rsatkich atigi 10 foizni tashkil etyapti.

Shuningdek, davlat banklari kredit portfelining yarmidan ko'pi 5 ta yirik davlat korxonasi hissasiga to'g'ri kelayotganini aytilish joiz.

Shu o'rinda banklarga qo'yilgan depozitlarning 70 foizi qisqa muddatli bo'lgani holda, kreditlarning 90 foizi uzoq muddatga berilgan. Ayrim banklarda esa joriy xarajatlar daromadga nisbatan 60 – 70 foizni tashkil etadi.

QAROR QAT'IY EMAS!

O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi va vazirlik qoshidagi Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish departamenti hamda Buxoro va Qashqadaryo viloyati hokimliklari diqqatiga

2018-yilning sentyabr-oktyabr oylarida O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi o'z maqsad va vazifalaridan kelib chiqib, respublikamizdagi madaniy meros obyektlarini to'liq xatlovdan o'tkazdi. Natijada, 5 ming 287 obyekt bo'yicha dalolatnomalar tuzilib, 45 mingta foto material to'plandi. Shuningdek, 827 obyektning umuman yo'qligi, 381 obyekt esa avariya holatida ekani xususida Madaniyat vazirligiga ma'lumotnoma taqdim qilindi. O'rganishlar jarayonida "Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish to'g'risida"gi qonunning obyektlarga egalik qilish, ulardan foydalanish va tasarruf etish qoidalari joylarda qo'pol ravishda buzilayotgani ham aniqlandi.

Ushbu masala bo'yicha deputatlik va parlament nazorati o'rnatilgan bo'lsa-da, ammo ayrim madaniy meros obyektlarida tadbirkorlar tomonidan milliy qadriyatlarimizga zid xatti-harakatlar sodir etilayotganini ham ta'kidlash joiz. Shu bois, partiya tashabbusi bilan Oliy Majlis Qonunchilik palatasidagi fraksiyasi a'zolari ishtirokida Buxoro va Qashqadaryo viloyatlarida qayd etilgan holatlar yuzasidan o'rganishlar tashkil etildi.

Xususan, Buxoro shahri, M.Anbar ko'chasi, 27-uyda joylashgan XIX asrga oid moddiy madaniy meros obyekti sanalgan Domla Hasan madrasasidagi holat o'rganilganida, ushbu obyektga tadbirkor S.Po'latov tomonidan chilim hamda spirtli ichimliklar savdosi yo'lga qo'yilgani ma'lum bo'ldi.

Ishchi guruhi tomonidan olib borilgan amaliy ishlardan keyin ayni kunda ushbu obyektдан mehmonxona sifatida foydalanila boshlandi.

Shahrisabz shahrida restoranga aylantirilgan, bir necha asrlik "Koba" karvonsaroyidagi holat xususida ham ana shunday fikr bildirish mumkin. Xususan, yaqinda bu yerda yarim-yalang'och qizlar ishtirokida tadbir o'tkazilgan. Bu esa keng

jamoatchilikning keskin e'tiroziga sabab bo'lgan. Ushbu holat bo'yicha 22-oktyabr kuni xalq deputatlari Qashqadaryo viloyat Kengashidagi deputatlik guruhi tomonidan o'rganishlar olib borilganida tadbirkor V.Sodiqov ushbu restoranni "Davr Sharob" bundo korxonasiga bir kunga ijaraga bergani va savdo behayo raqslar haqida hech qanday ma'lumotga ega emasligi ma'lum bo'ldi.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi yuqoridagi holatlarni keskin qoralaydi. Ma'lumki, Konstitutsiyamizning 49-moddasida fuqarolar O'zbekiston xalqining tarixiy, ma'naviy va madaniy merosini avaylab asrashga majburligi va madaniyat yodgorliklari davlat muhofazasida ekani qat'iy belgilab qo'yilgan.

Shundan kelib chiqqan holda, partiya O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi va vazirlik qoshidagi Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish departamenti, Buxoro va Qashqadaryo viloyati hokimligidan ushbu holatlar yuzasidan qat'iy choralar ko'rishni so'ragan.

Shuningdek, partiyaning Oliy Majlis Qonunchilik palatasidagi fraksiyasi madaniy meros obyektlaridan qonunga xilof ravishda foydalanganlik uchun javobgarlikni kuchaytirish yuzasidan qonun hujjatlariga tegishli o'zgartish va qo'shimchalar kiritish ustida ish olib borayotganini ta'kidlash joiz.

Xulosa qilib shuni aytilish joizki, Madaniyat vazirligi, Din ishlari qo'mitasi, O'zbekiston musulmonlari idorasi mahalliy hokimliklar bilan hamkorlikda tadbirkorlar o'rtasida madaniy meros obyektlarining tarixi, ma'naviy-ma'rifiy ahamiyati va ulardan maqsadli foydalanish bo'yicha targ'ibot ishlarini kuchaytirsalar maqsadga muvofiq bo'lardi.

Umrbek AZIZOV,
jurnalist



Mehnat muhojirligi to'g'risidagi qonunni qabul qilish orqali millionlab yurtdoshlarimiz, ayniqsa, yoshlarimiz haq-huquqini himoya qilmoqchimiz.

Milliy tiklanish to'g'risidagi qonunni qabul qilish orqali millionlab yurtdoshlarimiz, ayniqsa, yoshlarimiz haq-huquqini himoya qilmoqchimiz.

Maqsad – Oliy Majlis Qonunchilik

O'zbekiston «Milliy tiklanish» demokratik partiyasi Markaziy kengashi raisi, parlament quyi palatasi spikeri

– Alisher Keldiyevich, partiyaning VI cyezdi kun tartibiga kiritilgan asosiy masala bu, shubhasiz, partiyaning saylovoldi Dasturini va, albatta, parlament quyi palatasiga nomzodlar ko'rsatish masalasidir. Shundan kelib chiqib aytgunchi, yangi saylovoldi Dasturi avvalgi dasturlardan qanday jihatlari bilan farq qiladi?

– Yana qaytarishdek tuyulsa-da, «Milliy tiklanish» ushbu saylovga yangilanayotgan partiya sifatida kirib kelayotganini, hatto maqsad va vazifalarimizga sezilarli darajada o'zgartishlar kiritilganini aytish kerak.

Bu, eng avvalo, keyingi uch yil mobaynida yurtimizda yuz bergan tub islohotlar, barcha soha va tizimlarda kuzatilayotgan o'zgarishlar bilan bog'liq. Ochiqini aytish kerak, siyosiy institutlarimiz uzoq yillar davomida aholi manfaati bir yonda qolib, umumiy masalalar bilan shug'ullanib keldi. Natijada, jamiyatdagi obro'-e'tiborni yo'qotdi. Zimmasidagi mas'uliyatni unutib, na jamiyat, na xalq muammolarini ko'tarib chiqolmagani uchun ham odamlar partiyaga ishonmay qo'ydilar. Bugun siyosiy partiyalar oldida turgan asosiy vazifa ana shu ishonchni tiklashdan iboratdir. Biz saylovlar davridagina o'zini ko'rsatib, boshqa payt deyarli sezilmaydigan tizimdan voz kechadigan davrga yetib

keldik. Agar yana eskicha yo'l tutsak, yana saylovchini, oxir-oqibatda esa o'zimizni-o'zimiz aldanib bo'lamiz. Jamiyatda hech narsa o'z-o'zidan paydo bo'lib qolmaydi. U muayyan bosqichdan o'tadi. Biz ana shu yo'lni ertami-kechmi, baribir, bosib o'tishimiz kerak. Bugungi saylovchi bizdan shuni talab qilmoqda.

kunga aylantirmadilar, bejiz hukumat tarkibida maxsus tuzilma tashkil qilinmadi, bejiz bir paytlar yo'qolib ketgan Atamalar komissiyasi (avval qo'mita edi) qayta tiklanmadi. Bularni joy-joyiga qo'yish, mavjud kamchilik va muammolarni bartaraf etish uchun keng jamoatchilik sa'y-harakatiga ehtiyoj sezilayotgan

rioya qilmadik. Umuman gapirsak, gap ko'p. Shuning uchun ham biz «Davlat tili haqida»gi qonunning yangi tahririni qabul qilish, uning ijrosini ta'minlash mas'uliyatini o'z zimmamizga oldik. Til va uning rivojlanishi bilan bog'liq muammolar xususida gap ketganida, eng avvalo, Davlatimiz rahbarining O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining o'ttiz yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi fikr-mulohazalaridan tegishli xulosalar chiqarishimiz lozim, deb o'ylayman.

Prezidentimiz haqli ravishda ta'kidlaganlaridek, «Dunyodagi qadimiy va boy tillardan biri bo'lgan o'zbek tili xalqimiz uchun milliy o'zligimiz va mustaqil davlatchiligimiz timsoli, bebaho ma'naviy boylik, buyuk qadriyatdir.» Ona tili, inchun, milliy g'ururimiz, sha'nimiz hamdir. Demak, Ona tili biz uchun chindan hayot-mamot masalasiga aylanyapti. Prezidentimiz uning bugungi kundagi maqomini yanada ko'tarib «har birimiz davlat tiliga bo'lgan e'tiborni mustaqillikka bo'lgan e'tibor deb, davlat tiliga ehtirom va sadoqatni ona Vatanga ehtirom va sadoqat, deb bilishimiz, shunday qarashni hayotimiz qoidasiga aylantirishimiz lozim», dedilar. Ana shunday munosabatni har birimiz o'zimizdan boshlashimiz ham uqtirib o'tildi. Bu, o'z navbatida, partiyamiz zimmasiga juda katta mas'uliyat yuklaydi.

– Shu kunlarda mehnat muhojirlari, ularning huquqi va manfaatlarini himoya qilish masalalari yuzasidan ommaviy axborot vositalarida, ayniqsa, ijtimoiy tarmoqlarda keskin fikrlar bildirilmoqda. Avval xabar qilganimizdek, aynan ushbu masalada partiyamiz o'ziga xos loyihani ham ilgari surmoqda. Shunday emasmi?

– Darhaqiqat, o'ta dolzarb hisoblangan ushbu masala keskin fikrlar va kechiktirib bo'lmaydigan qarorlar qabul qilishni taqozo etmoqda. Ma'lumki, ko'pgina davlatlarda bo'lganidek, O'zbekistonda ham mehnat resurslari ko'p. Buning asosiy sababi mamlakatimiz tug'ilish bo'yicha hamon oldingi o'rinlarda turibdi. Modomiki, shunday ekan, mehnat muhojirlarini qoralash, kamsitishni bas qilib, ular uchun qulay shart-sharoit yaratish, huquqini har tomonlama himoya qilishni o'ylashimiz kerak.

Buning uchun, birinchidan, mehnat muhojirlarining haq-huquqlariga oid qonuniy asoslar taylab chalg'itishga o'xshatish mumkin. Ammo bugungi

saylovchi kimlardir taxmin qilayotganidek bu darajada sodda emas.

Ayniqsa, keyingi uch yillik o'zgarishlar davrida so'z erkinligi ta'minlangani, matbuotimizda bir tomonlama qarashlardan voz kechilgani saylovchilarga qiyoslash imkonini bera boshladi. O'tgan saylovlar arafasida qaysi bir partiya ijtimoiy muhofazaga muhtoj aholi qatlami himoya qilishga va'da bergani, tibbiyot tizimidagi islohotlarga mas'ullikni qay bir siyosiy kuch o'z zimmasiga olgani yoki tadbirkor va ishbilarmonlarga va'da qilingan qulay biznes muhiti qay darajada yaratilganini allaqachon saylovchi hisob-kitob qilib bo'lgan. Ana shularni inobatga olib, saylovchi va elektorat vakillariga real imkoniyatlarimiz haqida ma'lumot beryapmiz. Dasturimizga kiritilgan ustuvor yo'nalishlar bilan ularni tanishtiryapmiz.

– Bu boradagi fikringizga qisman qo'shilaman. Shu bois ham saylovoldi dasturimizni tubdan o'zgartirdik. Barcha darajadagi deputatlar, mustaqil ekspertlar ishtirokida uni bir necha bor muhokamadan o'tkazdik, bugungi davr talablari asosida yuzlab taklif va mulohazalarni jamladik. Keraklilaridan foydalandik. Natijada, saylovchilar talablarini qondira oladigan darajadagi hujjatga ega bo'ldik. Partiyamizning bugun bo'lib o'tadigan Syezdida uni yana bir bor muhokama qilib, qabul qilamiz.

– Ommaviy axborot vositalaridagi chiqishlarida o'zlikni anglash, ma'naviyat va ma'rifat, uzluksiz ta'lim va tarbiya, milliy g'oya mazmun-mohiyati haqida ko'p gapiryapsiz.

– Turkiy xalqlarning qadimiy yodgorligi hisoblangan O'rxun-Enasoy tosh bitiklarida shunday so'zlar yozilgan: «Sen o'zingni anglasang, o'zligingga qaysang, yuksalasan, buyuk

mamlakatlar parlamentlari bilan mavjud muammolarga birgalikda yechim topish ham muammolarni hal etishning maqbul yo'llaridan biridir. Buning uchun esa bizga kuchli, tish-tirnoqli parlament kerak. Modomiki, dunyoda jami aholining 4-5 foizi, ya'ni 280 millionga yaqin mehnat muhojiri bor ekan, ushbu masala jiddiy yondashuvni talab qilayotganini ko'rsatadi. Shu bois, biz saylovoldi dasturimizda mehnat muhojirligi to'g'risidagi qonunni qabul qilish orqali millionlab yurtdoshlarimiz, ayniqsa, yoshlarimiz haq-huquqini himoya qilmoqchimiz.

– Ayrim partiyalarning amaldagi saylovoldi Platformasiga qarasa, ular go'yo hukumatni egallash uchun kurashayotgan kuch emas, aksincha, ijro hokimiyatining bir bo'lakidek taassurot qoldiryapti. Jumladan, «Milliy tiklanish» demokratik partiyasining amaldagi saylovoldi Platformasi ham...

– Bu boradagi fikringizga qisman qo'shilaman. Shu bois ham saylovoldi dasturimizni tubdan o'zgartirdik. Barcha darajadagi deputatlar, mustaqil ekspertlar ishtirokida uni bir necha bor muhokamadan o'tkazdik, bugungi davr talablari asosida yuzlab taklif va mulohazalarni jamladik. Keraklilaridan foydalandik. Natijada, saylovchilar talablarini qondira oladigan darajadagi hujjatga ega bo'ldik. Partiyamizning bugun bo'lib o'tadigan Syezdida uni yana bir bor muhokama qilib, qabul qilamiz.

– Ommaviy axborot vositalaridagi chiqishlarida o'zlikni anglash, ma'naviyat va ma'rifat, uzluksiz ta'lim va tarbiya, milliy g'oya mazmun-mohiyati haqida ko'p gapiryapsiz.

– Turkiy xalqlarning qadimiy yodgorligi hisoblangan O'rxun-Enasoy tosh bitiklarida shunday so'zlar yozilgan: «Sen o'zingni anglasang, o'zligingga qaysang, yuksalasan, buyuk

KEYINGI UCH YILLIK

o'zgarishlar davrida so'z erkinligi ta'minlangani, matbuotimizda bir tomonlama qarashlardan voz kechilgani saylovchilarga qiyoslash imkonini bera boshladi. O'tgan saylovlar arafasida qaysi bir partiya ijtimoiy muhofazaga muhtoj aholi qatlami himoya qilishga va'da bergani, tibbiyot tizimidagi islohotlarga mas'ullikni qay bir siyosiy kuch o'z zimmasiga olgani yoki tadbirkor va ishbilarmonlarga va'da qilingan qulay biznes muhiti qay darajada yaratilganini allaqachon saylovchi hisob-kitob qilib bo'lgan.

– Partiya saylovoldi Dasturida til masalasi eng ustuvor yo'nalishlardan biri etib belgilangan. O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan kun bu safar katta bayram sifatida nishonlandi. Ammo tilimiz masalasida jamiyatning ziyoli qatlami zimmasiga juda katta vazifalar yuklatilyapti. Shunday emasmi?

– Chindan ham til borasidagi muammolarimiz yetarli. Zero, Prezidentimiz bejiz bu kunning bayram sifatida nishonlanadigan

edi. Tan olish kerak, biz, hatto o'tgan 30 yil davomida «Davlat tili haqida»gi qonunga ham nomigagina amal qildik. Uzoqqa bormay, yon-atrofimiz, ko'cha-ko'ygga bir nazar solaylik. Shunda amaldagi qonunning qaysi bandiga qay darajada riya qilayotganimiz ko'rinadi. E'lon yoxud afishalardagi xatolar haqida yozaverib, aytaverib charchadik. Yana bir gap. Amaldagi qonunda peshtaxtalarga avval o'zbek, keyin zaruratga qarab boshqa tilda yozilishi belgilangan. Hatto ana shu tartibga ham



Statistika

2014 -
2019
йилларда

2015-2019-yillar davomida «Milliy tiklanish» demokratik partiyasi tomonidan bir qator qonun tashabbuskorligi, barcha darajadagi partiya tashkilotlari va mahalliy Kengashlardagi deputatlar tomonidan ko'plab loyihalaramalga oshirildi.

Xususan, Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputatlarining tashabbuskorlik huquqi asosida 86 ta qonun loyihasi parlament muhokamasiga kiritilgan bo'lsa, 64 tasida partiya fraksiyasi a'zolari ishtirok etdilar. Partiya fraksiyasi tashabbusi bilanparlament nazorati doirasida9 ta eshituv tashkil etildi.

Elektorat manfaatlarini himoya qilish maqsadida xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlariga qonun va hukumat qarorlari ijrosi yuzasidan amalga oshirilgan 5709 ta deputatlik so'rovikiritilib, ularning ijobiy hal etilishiga

erishildi. Fuqarolar murojaatlari asosida yuborilgan 16896 ta deputatlik so'rovlarida qayd etilgan 15493 ta muammo va masala o'z yechimini topdi.

Partiya guruhleri tashabbusi bilan 3661 nafar mansabdor shaxsning hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning dolzarb masalalari bo'yicha hisoboti eshitilib, 2583 ta muhim taklif doimiy komissiyalar yig'ilishlarida muhokama qilindi. Mahalliy kengash sessiyalari kun tartibiga esa 1226 ta tashabbus-masala kiritilib, ular bo'yicha tegishli qarorlar qabul qilindi.

Hisobot davrida 7 ming 300 dan ziyod madaniy meros obyektlarining holati o'rganildi. Shu o'rinda partiya tahlillari va takliflari asosida 2018-yilning 19-dekabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish

sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori qabul qilinganini ta'kidlash joiz. «Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish to'g'risida»gi qonunga esa jiddiy o'zgartish va qo'shimchalar kiritildi.

Partiya faollari tomonidan alohida sharoitlarda tarbiyalash va ta'lim berishga muhtoj bolalar uchun ixtisoslashtirilgan maktab-internatlari – Samarqand shahrida 11 yoshdan 14 yoshgacha bo'lgan o'g'il bolalar uchun, Baxt shahrida 14 yoshdan 18 yoshgacha o'g'il bolalar uchun, Chinoz hamda Qo'qon shahridagi qiz bolalar uchun ixtisoslashtirilgan o'quv tarbiya muassasalarida voyaga yetmaganlarning huquqlarini ta'minlash holati o'rganildi.

Natijadajoriy yilning 28-may kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidentining

«Ixtisoslashtirilgan o'quv-tarbiya muassasalari faoliyatini tubdan takomillashtirish to'g'risida»gi qarori imzolandi.

Partiya Saylovoldi platformasida belgilangan «yoshlarning ma'naviy jihatdan yuksalishiga ko'maklashadigan ma'naviy-ma'rifiy markazlarni tashkil etish va ular faoliyatini rivojlantirish»ga doir vazifadan kelib chiqib, partiya tashkilotlari va mahalliy Kengashlardagi partiya guruhleri tomonidan mamlakatimizdagi 210 ta «Barkamol avlod» markazlari faoliyati atrofiga o'rganilib, aniqlangan kamchiliklar asosidagi tahlillar va partiya takliflari Vazirlar Mahkamasi, Xalq ta'limi vazirligiga taqdim etildi. Uning natijasida 2019-yil 30-sentyabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Xalq ta'limi tizimidagi maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori qabul qilindi.



“Sen o'zingni anglasang, o'zligingga qaytsang, yuksalasan, buyuk bo'lasan!”. Bu bitiklar toshga o'yilganida ajdodlarimiz islom dinidan bexabar edilar.

palatasida eng ko'p o'rin egallash

o'rinbosari Alisher QODIROV «Milliy tiklanish» muxbiri savollariga javob beradi.

bo'lasan!”. Bu bitiklar toshga o'yilganida ajdodlarimiz islom dinidan bexabar edilar. Oradan bir necha asr o'tib: “Siz o'zingiz o'zgarmaguningizcha, jamiyatingiz o'zgarmaydi”, degan oyat nozil bo'lgan muqaddas Qur'oni Karim ajdodlarimiz ruhiyatiga munosib bo'lgani uchun ham qadriyatimizga aylandi. Biz muqaddas islomni nafaqat o'rgandik, balki uning mohiyatini insoniyatga o'rgatgan buyuk allomalar vorisi ham bo'ldik.

Tarix sahifalarini varaqlasak, qayerda ma'rifatga e'tibor qaratilishi, ilm-fan rivojiga shart-sharoit yaratilishi bilan birga, inson qadri, sha'ni ulug'langan jamiyatlardagina taraqqiyotga erishilgan.

Yurtimiz yuksalishi uchun yo'lga chiqqan ekanmiz, avvalo, mustahkam tiklanib olishimiz zarur. Qaddimizni bukib turgan, ko'rib ko'rmaslikka, eshitib eshitmaslikka olayotgan muammolarimiz, qon-qonimizga, ongu shuurimizga singib ketgan “odatlar” xalqimiz yelkasidagi og'ir yuk bo'lib turibdi. Ushbu muammolar faqatgina iqtisod, ish o'rinlari, zavod-fabrikalar qurish bilan bog'liq, ularga yechim topilsa, qolgan masalalar o'z yo'lga tushib ketadi, degan fikr xatodir. Prezidentimiz Shavkat Miramonovich Mirziyoyev Sirdaryo viloyati faollari bilan o'tkazgan uchrashuvda “Biz iqtisodiyotimizni oyoqqa turg'azamiz, pul topamiz, investitsiyalar jalb qilamiz, lekin mehnatlarimizni qadrlaydigan, ularni yanada rivojlantira oladigan yosh avlodni tarbiya qilmasak, qilgan ishlarimiz o'z ma'nosini yo'qotadi”, deb bejiz aytganlari yo'q.

Ya'ni inson ongini o'zgartirishdek mashaqqatli ish yo'q. Biz uni o'zgartira olamizmi? Inson dunyoqarashi shakllanib bo'lganidan keyin ikki holatdagina o'zgarishi mumkin: birinchisi – hayotning achchiq tarsakisi, taqdirning og'ir zarbasi ongingni ishlamagan qirralarini ishlatib yuboradi va inson o'z dunyoqarashini o'zgartiradi. Ikkinchisi, inson tafakkur qiladi, buyuk ne'mat – idrok qo'llanadi, o'zini



“ **AYNI PAYTDA** asosiy maqsadimiz – parlament quyi palatasidan ko'p o'rin egallash. Ana shunda partiyamiz royallari, maqsad-vazifalarini to'liq amalga oshirish imkoniyatini yaratiladi biz uchun. Nomzodlarimiz ichida el-yurt tanigan insonlar ko'p. Ular partiyamizning parlamentning quyi palatasi va maxalliy kengashlarda ko'p o'rin egallashimizga imkoniyat yaratib beradilar, degan umiddaman.

o'zgartiradi va haqiqatni topadi. Bas, shunday ekan, keyingi avlodlarning to'g'ri yo'lni tanlashlari uchun hozirdanoq yaxshi sharoit yaratish ustida jiddiyroq bosh qotirishimiz kerak. Bu “Milliy tiklanish”ning asosiy g'oyalardan biridir.

Tahlillar shuni ko'rsatmoqdaki, farzandning qanday yo'l tanlashi, birinchi navbatda, oiladagi muhit va otanonaning dunyoqarashi bilan bog'liq. To'g'ri tanlangan poydevor ustiga mahorat bilan qadriyatlar ustunlarini o'rnatish maktabgacha ta'lim muassasasidagi tarbiyachiga bog'liq. Yuksak mas'uliyat va mehr bilan tayyorlangan poydevor va noyob ustunlarni (milliy va umuminsoniy qadriyatlarni) hayotiy mezonlarga aylantirib yuborish mahorati kamsonli millatlarga

nasib etadi) hayotning kuchli bo'ronu dovullaridan asrashi uchun xizmat qiladigan ilm gumbazlari bilan mustahkamlash maktabdagi muallimlar mahorati bilan o'lchanadi. Biz ushbu muhim bosqichni muvaffaqiyatli bosib o'tmasdan turib, tiklanish haqida o'ylashimiz kulgili tuyulishi mumkin. Endi asos haqida to'xtalsak. Nazarimda, bu chuqur va keng ma'rifat. Ma'rifatli shaxs yo'lidan qaytmaydi va sira adashmaydi ham.

Biz nasib qilsa, ana shu fikr va g'oyalarimizni parlament va hukumat vositasida amalga oshiramiz. Parlamentni chinakam “xalq uyi”ga aylantirish tarafdorimiz. Zero, aslida ham shunday bo'lishi kerak. Chunki biz deputatlar xalq vakillarimiz.

– Ma'lumki, partiyaning parlamentda ko'p o'rin egallashi, eng avvalo, tanlangan nomzodlar va ularning salohiyatiga bog'liq. Chunki yurtimizda partiya emas, nomzodning shaxsiga, kimligiga qarab ovoz berish ko'nikmasi shakllangan.

– Darhaqiqat, psixologiya deymizmi, ko'nikma deymizmi, shunday qarashlar haligacha saqlanib qolmoqda. Buning ildizini yaqin tariximizda shakllangan partiyaviy an'analardan izlash kerak. Chunki sobiq ittifoq davrida faqat bitta partiya mavjudligi uchun ham odamlar partiya emas, nomzod shaxsiga e'tibor qaratgan. Uzoq davom etgan ana shu holat odamlarimiz psixologiyasiga mustahkam o'rnatilib qolgan va bu hozirga qadar davom etmoqda. Ammo bugungi yangilanish va o'zgarishlar ushbu ko'nikmadan voz kechish kerakligini taqozo etmoqda. Ayni paytda asosiy maqsadimiz – parlament quyi palatasidan ko'p o'rin egallash. Ana shunda partiyamiz g'oyalari, maqsad-vazifalarini to'liq amalga oshirish imkoniyatini yaratiladi biz uchun. Nomzodlarimiz ichida el-yurt tanigan insonlar ko'p. Ular partiyamizning parlamentning quyi palatasi va mahalliy kengashlarda ko'p o'rin egallashimizga imkoniyat yaratib beradilar, degan umiddaman.

Yana bir muhim masala. Biz bu safar mahalliy Kengashlarga ko'rsatilgan nomzodlarga alohida e'tibor qaratdik. Bu, albatta, bejiz emas. Chunki mazkur chaqiriqda mahalliy Kengashlarga juda katta vakolatlar beriladi. Ular partiyamiz maqsad-vazifalarini joylarda to'laqonli amalga oshirish, elektorat manfaatlarini ta'minlash va himoya qilishda jonbozlik ko'rsatishi kerak bo'ladi.

Bugungi tadbirimizda yana bir bor saylovoldi Dasturimizni, nomzodlarimizni muhokama qilamiz. Muxtasar aytganda, saylovda muvaffaqiyatli ishtirok etish va ko'p ovoz olishning mustahkam, puxta-pishiq strategiyasini tasdiqlaymiz.

Suhbatdosh:
Ismat XUDOYOROV

Hamkorlik

MEMORANDUM
IMZOLANDI

O'zbekiston “Milliy tiklanish” demokratik partiyasi va O'zbekiston nodavlat notijorat tashkilotlari milliy assotsiatsiyasi vakillari o'zaro hamkorlikni yaxshilash, mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar ijrosini ta'minlashga qaratilgan amaliy tadbirlarda ishtirok etish, davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo'lga o'tish masalalarini muhokama qildilar. Shuningdek, tadbirda islohotlar ijrosini ta'minlashga o'zaro ko'maklashish, xususiy sektor korxonalarini tashkil etilishini ko'paytirish, ijtimoiy xizmatlar turini kengaytirish, aholining ijtimoiy yordamga muhtoj qatlamini ish bilan ta'minlash, ma'lum ijtimoiy guruh uchun homiylik topishda ularga imkon qadar yordam ko'rsatish, ijtimoiy sharoiti og'ir bo'lgan yoshlarni qo'llab-quvvatlash, yoshlar va xotin-qizlar o'rtasida huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olish, ularni ish bilan ta'minlash, ijtimoiy korxonalarini tashkil etish bo'yicha normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarini ishlab chiqish zarurligi e'tiborga olindi. Uchrashuv yakunida O'zbekiston “Milliy tiklanish” demokratik partiyasi va O'zbekiston nodavlat notijorat tashkilotlari milliy assotsiatsiyasi o'rtasida hamkorlik memorandumini imzolandi.

Kuting!

Statistika

“MILLIY TIKLANISH” GAZETASI
MUXBIRLARI ROSSIYA, QOZOG'ISTON
VA KOREYADAGI MEHNAT MIGRANTLARI
BILAN UCHRASHIB, QANDAY

“SIR”NI FOSH ETISHMOQCHI?

Kelgusi sonlarda



Dunyo miqyosida
30 yoshgacha
bo'lgan 2
milliardga
yaqin yoshlar
bo'lib, ularning
aksariyati
rivojlanayotgan
mamlakatlar,
xususan,
Markaziy Osiy
hissasiga to'g'ri
kelyapti.

Маъсуд ака ҳайъатда ўтирган амалдорларга мурожаат қилиб: "Илтимос, отамнинг охириги сўзларини билиб беринглаар", деди.

Коммуналча англашилмовчилик

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шуни расман маълум қиламизки, партия коммунал соҳа ходимларининг меҳнати нақадар машаққатли эканини, улар ҳам фидойи педагоглар ёки соғлиқни сақлаш ходимлари каби кеча-ю, кундуз меҳнат қилаётганларини эътироф этади. Шунинг учун ҳам А.Қодирий ўқитувчиларни тиниб-тинчимас коммуналчиларимизга ўхшатди. Зеро, кейинги пайтларда хизматидан фойдаланиб, пулини тўлашга келганда қорни оғриётган айрим фуқароларимиз туфайли уйма-уй юрган коммуналчиларнинг ўқитувчилардан фарқи қолмапти.

Яқунда эса вазирликдаги ҳамкасбларимизга жуда катта ҳурматимизни билдириб, холис ва куйинчаклик билан айтилган гаплардан ўзгача маъно излаш ва иззатталаблик ўрнига ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиб, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишни таклиф этиб қоламиз.

Албатта, нуфузли вазирлик ва идораларда ана шу ташкилотнинг кўзи, тилига айланиши керак бўлган ахборот хизматларининг ташкил этилаётганидан барчамиз бирдек қувоняпмиз. Чунки, ушбу тузилма ахборот алмашинуви жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилади. Аммо вазирликдаги ҳамкасбларимиз "тиббийёт ходимлари ва ўқитувчилар коммунал ходимларига ўхшаб қоляпти" деган гап замиридаги моҳиятни тўғри қабул қилганларида хафа бўлиш ўрнига, аксинча бундай ўхшатишдан фахрланган бўлардилар. Чунки тиббийёт ходими ва ўқитувчиларга ўхшаш, улардек фидойи номини олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Агар ўхшатишга шу тарзда ёндашилганда эди, юқоридагидек мулоҳаза ҳамкасбларимиз томонидан "коммунал соҳасида фаолият юритаётган 32 мингдан ортиқ ходимларга нисбатан паст назар билан қараш" дея баҳоланмаган бўларди.

ЎЗМТДП матбуот хизмати

Нима учун "Миллий тикланиш"ни танладим?



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шундай болалар миллий кадрларимизни ҳурмат қила оладими? Келажакда ундан қандай кадр этишиб чиқади?

Демак, ўз-ўзидан аёнки, болага аввало оилада яхши тарбия берилиши, бу жараён мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида босқичма-босқич мукамаллаштириб борилиши лозим. Афсуски, болалар боғчаларида шу пайтгача "алдагани бола яхши" қабилида иш тугилиб, боғчалар мажбуран ушлаб туриш масканига айлантирди. Мактаб тизими, ўқитувчилар фаолияти, обрў-эътибори қандай бўлганини эса бугун гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 август кунини халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагоглар малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" тамойилига асосланган ҳолда, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни болалиқдан миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Шу маънода, худудларда Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номлари билан аталган ижод мактаблари, "Темурбеклар мактаби", Президент мактаблари ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг янги сиёсий майдонига маънавиятни, маърифат ва таълим-тарбияни бош ғоя сифатида олиб кираётган "Миллий тикланиш" демократик партиясини мана нима учун танладим.

Наргиза МАҲМУДОВА,
Яшнобод туманидаги
231-мактаб ўқитувчиси,
партия фаоли

Абдулла Қодирийни отган одам...

Қодирийнинг ўғли ундан отасининг сўнгги сўзи ҳақида сўради

Бу воқеага 30 йилча бўлди. Юртимиз ҳали мустақилликка эришмаган, аммо собиқ Иттифоқнинг курсисига зил кетиб, "қайта қуриш, қайта бузиш", деган давр кечаётган паллалар эди... Ушанда пойтахтдаги энг мухташам томошагоҳларнинг бирида Абдулла Қодирий таваллудига тўқсон беш йил тўлиши тантанали нишонланаётган эди. Томошахона одамлар билан лик тўла, "дангирадунгур"у, "гумбура-гумбур" авжида.



Улар орасида атоқли адибимизнинг ҳақиқий мухлислари қанча-ю, шунчаки томоша учун келганлари қанча — билиш қийин.

Аммо марҳум адиб азатўйининг тўрида — саҳнани тўлдириб кўр тўкиб ўтирганлардан икки-уч чин қалам аҳли-ю, уч-тўрт меҳмонни истисно қилганда, қолганлари шунчаки — хизмат юзасидан келганлар.

Яна рўйхат бўйича таклиф этилган казо-казолар. Яна адибни тириклигида туртганлар қолмаган бўлса-да, унинг гўрига роса гишт қалаганлар ҳам бор эди. Таассуфки, улар орасида қўйиб берса, ҳозир ҳам адиб қабрини бир тепиб келишга таппа-тайёрлар ҳам топилши мумкин.

Кўра-била туриб оқни қора, ҳақиқатни ёлғон қилиб кўрсатувчилар, эзгуликни ерга уриб, ноҳақликка куллуқ қилувчилар, ичи қора ҳасадгўйлар ва хоҳазор...

Улар "замона ҳалиям бизники, хўш, сенларнинг қўлингдан нима келарди?" дегандай пастдагиларга, оддий одамларга юқоридан гердайиб, кўзойнақларини ялтиратиб қарашади, ўз суянциқлари — ўртани эгаллаб олган мустабид мафкура амалдорларига ялтоқланишади.

Шу тобда ҳаёлимдан кечган ўйга қаранг, мабодо мўъжиза юз берса-ю, маслагу имонда собит Абдулла Қодирий тирилик бу ерга келиб қолса ва ўз тўйида ўтирган бу йимони султ "зот"ларни кўрса борми, изларига шартта қайтворман бўлардилар.

Лекин ҳар қалай, таваллуд тўйи, келган меҳмонни "кет", деб бўлмади, бунинг устига, адибнинг бу сафарги таваллуд куни яхшилаб "уюштирилган".

(Адибни отган мустабид тузум бу билан гўё ўз айбини "ювиб" юбормоқчидай...) Адибнинг минбарга чиқиб бўзлаган бир-икки мухлисларидан кейин бошланиб кетган турли "табрик"лар, "гулдурос қарсақлар" тугагач, унинг ҳаёт қолган якка-ю ягона ўғли Маъсуд ака сўз олди.

Унинг гаплари олдиндан тегишли шахслар томонидан кўриб чиқилмаганикин — сал бошқачароқ чиқди. "Мен отам отиб ўлдирилган жойни узоқ излаб, охири топдим, — деди Маъсуд ака. — У Бўрижар аригининг нариги томонидаги бир тепалик экан. Ўттизинчи йилларда бу

кўнглига сиғмасди.

Мен қадамимни тезла-тиб, у кишига етдим-у, Маъсуд акани тўхтадим, кейин, аниқ эсимда йўқ, товушим оғзимга тиқилиб: "Маъсуд ака, шундай оғир гапларни айта олганингиз учун сизга минг раҳмат, отангизнинг руҳи-поклари кўлласин", дегандай гап қилдим.

"Раҳмат", дедилар Маъсуд ака худди отасиникига ўхшаган тим-қора, тийрак кўзларини менга тикиб. Бу ёғи касбим матбуотчилик эмасми — мен у кишидан ўша машъум тепалик қаерда эканини сурадим. У киши ўша тепалик Юнусобод томонда, Бўрижар аригининг нариги қирғоғида эканини, номини эса "Б.тепа" дейлишини айтди.

(Ҳайҳот, қарангки, бу тепаликда бегуноҳларни отиб ташлаб, яна устига шаҳар ахлатларини ҳам ташлашар экан. Шунинг учун бу ер шундай деб аталар экан).

Мен у тепаликнинг ҳозир бор-йўқлигини суриштир-

сухбатимиз нима билан тугагани аниқ эсимда йўқ, мен Маъсуд аканинг кўллари-ни сиқдим, яхши тилаклар тиладим.

Эртасига эса атайлаб ўша, Маъсуд ака айтган тепаликни кўргани бордим. Аммо у тепаликдан ному нишон қолмаган, йўлнинг чап томонидаги гишт хумдони ҳам йўқ эди. Абдулла Қодирий хоки аралашиб кетган тупроқдан ясалган гишлар...

Бу воқеадан кейин мен "Шаҳидтепа қаерда?" деган мақола ёздим ва унда Маъсуд акадан олган маълумотларим, ўзим бориб суриштирилган асосида Абдулла Қодирий, Чўлпон ва ўттиз еттинчи йилнинг бошқа сиёсий қатагонлари қатл этилган жой Бўрижар ариғи ёнидаги тепаликда эканлигини маълум қилдим.

"Туркистон" газетасининг 1992 йил 1 апрель сониде босилиб чиққан бу мақола мазкур масала ҳақидаги биринчи маълумот эди. Кейинчалик



Маданий меърос объектларининг электрон рўйхатини, давлат кадастрини, давлат муҳофазасига олинишини ва муҳофиза чегараларининг белгиланишини яқунлаш, уларнинг йўқолиб кетиши ёки бузулишининг олдини олувчи қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилиш, шунингдек, маданий мерос объектларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш.

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди дастуридан

дими. Маъсуд акага менинг кетма-кет шитоб билан савол беришим унча "ўтиришмади", шекилли, қошларини бир қимириб олдилар, кейин тепаликнинг тупроғини олиб, ундан шу йўлнинг бу ёнидаги хумдонда гишт ясалганини айтиб бердилар.

"Аммо ўша тепаликнинг тупроғи гишт ясаш учун ярамабди, суйилиб кетаверибди, шунда бир машина тупроқни ўша тепаликдан, бир машинани эса бошқа тепаликдан олиб, аралаштириб, кейин гишт қилишган эканлар..."

бу ерда ҳозирги "Шаҳидлар хотираси" мажмуи қурилди. Ха, айтгандай, Эски шаҳарнинг Жангоб мавзеидаги кейинроқ Абдулла Қодирий номи берилган боғда ёзувчининг ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкалтарош ўз асарини бу зотнинг фожиали қисмати қандай яқун топганини яхши билиб, англаб яратибди.

Адиб гишлар ичидан йўғламсираб чиқиб тургандай, яъни ҳаққоний тасвирланибди...
Мухтор Худойқулов,
ёзувчи

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Абдулазиз АККУЛОВ,
Минхожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Акмал САИДОВ,
Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Аббор ПЎЛАТОВ,
Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Шавкат ШАРИПОВ,
Ортиқали ҚОЗОҚОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Миролид АБДУРАХМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент- 100000, Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
Газета тахририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55,
Реклама ва маркетинг бўлими: 234-86-41,
Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
234-87-74,
Бухгалтерия: 234-87-73.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаназаридан фарқ қилиши мумкин.

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:
Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Мухайё НУРМЕТОВА
Дизайн:
Мальмурижон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:
gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714

Газета МЧЖ «КОЛОРИАК» босмахонасида chop этилди.
Тошкент, Яшнобод тум., Элбек 8.

2008-йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан руйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чикади.

Алали — 20 000. Буюртма — 1545.
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Ҳажми: 8 босма табоқ, офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими: 350x587